



MILLIY TIKLANISH

43 (527) ● 2018 йил 24 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz

Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI AQSH SAVDO VAZIRINI QABUL QILDI

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 октябрь куни амалий ташир билан мамлакатимизда бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари савдо вазири Уилбур Россни қабул қилди.

Давлат раҳбарларининг мунтазам учрашуви ва мулоқотлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил май ойида АҚШга расмий ташрифи икки томонлама кўп қиррали муносабатларни янада юқори даражага кўтариб, стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб берди.

АҚШ савдо вазирининг Ўзбекистонга илк ташрифи томонлар эришилган келишувлар ва имзоланган битимлар доирасида муносабатларни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтиришдан ўзaro манфаатдор ва уларнинг бу борадаги интилиши муштарак эканидан далolat беради.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий кутлар экан, ўзарo савдо ҳажмини ошириш, АҚШ етакчи компанияларининг тўғридан-тўғри инвестициялари, илғор технологиялари ва тажрибасини жалб этган ҳолда, иқтисодийнинг турли тармоқларида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, банк-молия соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун катта салоҳият мавжудлигини алоҳида таъкидлади.

АҚШнинг жаҳонга машҳур саноат холдинглари, молия-инвестиция корпорациялари ва банклари раҳбарлари ва вакиллари иштирокида ўтган Ўзбекистонда АҚШ бизнеси ҳафталиги тадбирларининг самарали натижалари чуқур мамнуният билан қайд этилди.

Учрашувда савдо, саноат ва юқсақ технологиялар, қишлоқ ҳўжалиги, логистика ва транспорт соҳаларида аниқ лойиҳа ва дастурларни рўйга чиқаришда амалий ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон бозорига Америка компанияларининг фаолиятини кенгайтириш учун қулай шарoитлар яратишга, жумладан, қўшма лойиҳаларни молиялаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Марказий Осиёда савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш хусусида фикр алмашилди.

АҚШ савдо вазири давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдириб, Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг салoми ва эзгу тилакларини етказди.

Шу билан бирга, Уилбур Росс АҚШ Президенти Дональд Трампнинг геосиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликка доир барча масалаларда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга юқсақ ишонч изҳор этилган сўзларини етказди. Бундан ташқари, Дональд Трамп Президентимиз томонидан амалга оширилётган кенг қўламли ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Уилбур Росс мамлакатимизда амалга оширилётган ҳамда АҚШ бизнесида катта қизиқиш уйғотаётган, унинг Ўзбекистонда фаолият юритиши учун янги имкониятлар очаётган ислохотлар суръати ва миқдoсини юқори баҳолади.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлида барча имкониятларни ишга солишга тайёрлик билдирди.

ЎзА

Фракция фаолияти

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ ПАРТИЯ ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАРИ ҲАМДА ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари мамлакатимиз ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий ҳаётга дахлдор бир қанча қонун лойиҳаларини муҳокама қилдилар. Ҳар бир қонун лойиҳасига партия дастурий вазифалари ҳамда электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиб, ўз таклиф ва фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишни ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

Амалдаги қонун ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги "Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ва "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга оид қонун лойиҳаси қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди.

2-бет →

Депутат фикри

САЙЛОВ ЖАРАЁНИДА ШАФФОФЛИК ВА ТЕЗКОРЛИК ТАЪМИНЛанади

Сайловни ташкил этиш ва ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий тамойилларидан бири саналади. Мамлакатимизда сайлов тизими ва қонунчилиги халқаро умум-эътироф этилган принцип ва меъёрлар, миллий ҳамда хорижий тажриба асосида шаклланган бўлиб, унинг шаффофлиги ва тезкорлигини таъминлаш, сайловчиларнинг овоз бериши учун қулай шарoит яратиши ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларни жорий этишга алоҳида аҳамият қаратилаёттир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 4 октябрда қабул қилинган "Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда сайловларнинг тезкор ва шаффоф ўтишида ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш орқали "бир сайловчи — бир овоз" принципига тўлиқ риоя қилинишига эришилади.

4-бет →

Хиёбон

"ЗАРУР КАСБ, АММО ЗАРУРАТИ БЎЛМАСА ЯНАДА ЯХШИ"

ПРОФЕССОР ЎЗ СОҲАСИДА БИРОРТА ҲАМ ШОГИРД ТАЙЁРЛАЙ ОЛМАГАНИНИ АФСУС БИЛАН ГАПИРДИ. НЕГА?

Тиббиёт узлуксиз ангиланаётган соҳадир. Илм-фан ва технологиялар кундан-кунга юқсаилиши туфайли соҳага янги-янги услуб ва воситалар кириб келмоқда. Олимларимиз улардан оқилона фойдаланиш барибарда тиббиёт ривожига муносиб улш қўшмоқда.

"Хиёбон"нинг бугунги меҳмони — тиббиёт фанлари доктори, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика ихтисослаштирилган дермато-венерология ва косметология илмий-амалий маркази профессори, вазирликнинг лепра касалликлари бўйича бош консультанти Эгамберди ЭШБОЕВ.



8-бет →

Матбуот анжумани

ЎЗМТДП ФРАКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДАГИ НАТИЖАЛАР ҲАҚИДА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ташкил этди. Унда ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов фракциянинг 2018 йилнинг ўтган давридаги фаолияти, амалга оширган ишлари, қонунчилик ташаббуслари, ҳудудлардаги фаолияти хусусида ахборот берди.

— Фракциямиз аъзолари қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ва фуқаролар билан ишлаш борасида муайян натижаларга эришмоқда, — деди фракция раҳбари С.Отамуратов. —

Парламент кўйи палатаси депутатлари бевосита қонун ташаббускорлиги ҳуқуқи асосида 19 қонун лойиҳасини киритган бўлиб, уларнинг 15 тасида фракциямиз аъзолари иштирок этди.

2-бет →



ҚОНУН УСТУВОСЛИГИ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚ ОАВОНЛИГИНИНГ ГАРОВИДИР

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

Сана

ТИЛ ВОСИТАИ РОБИТАИ ОЛАМИЁНДУР...

21 ОКТАБРЬ — ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАНЛИГИНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ МАМЛАКАТИМИЗДА КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА



Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур, Тил воситаи робитаи оламиёнду. Қайри тилини саъй қилинг билгалли, ёшлар, Ким илму хунарлар билонки андин аёнду. Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек, Билмакка они гайрат этинг, фонда кондур. Илму фан уйиқа юборинлар болангизни, Онда ўқугонлар бори яктойи замондур.



Ўзбек маърифатпарвар шоири Аваз Ўтар ёзганидек, тил инсон вужудидаги жон каби бўлиб, унинг тафаккури, идрок тарзини намоён этади. Жамиятдаги муносабатларни шакллантиради, миллатлар ва элатларни боғлайди. Шу боис тилни ўрганиш, она тил соғлигини сақлаш, асраб-авайлаш, жозибadorлигини ошириш барча макон ва замонда долзарб масалалардан бири бўлиб келган.

Юртимизда ҳам ҳали истиқлолга эришмай туриб, собиқ иттифоқ республикалари орасида биринчи бўлиб 1989 йил 21 октябрда катта маънавий жасорат билан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди.

3-бет →

Назорат ва таҳлил

МАДАНИЯТ ЁДГОРЛИКЛАРИ ЎТМИШ ВА ТАРИХДАН СЎЗЛАЙДИ

УЛАРНИ ЎРГАНИШ, КЕЛАЖАК АВЛОДЛАРГА БУС-БУТУН ЕТИБ БОРИШНИ ТАЪМИНЛАШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Аждодларимиздан мерос қолган моддий ва маданий объектлар миллиятимизнинг бебаҳо бойлигидир. Уларни асраб-авайлаш, туризм манзиллари сифатида фойдаланиш бугунги куннинг муҳим вазифаси саналади. Гарчи истиқлол йилларида бу борада ташкилий-ҳуқуқий механизм яратилган бўлса-да, бироқ уларни асраб-авайлаш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, чегаралари ва муҳофаза ҳудудларини белгилаш, кадастр рўйхатидан ўтказиш ҳали-ҳануз долзарб масала бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ушбу муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок этишга интиломоқда.

Партия Марказий кенгаши ва ҳудудий ташкилотларда ишчи гуруҳлар тузилган бўлиб, улар режа асосида мамлакатимиздаги моддий-маданий мерос объектларининг умумий ҳолатини ўрганмоқда. Кўйида партия ташкилотлари вакиллари ўрганиш жараёнлари, ҳудудлардаги тарихий, маданий масканларнинг ҳолати ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

4-бет →



MILLIY TIKLANISH — МАМЛАКАТИМИЗ МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ!

"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида, шунингдек, fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!



газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр курсаткичи — 158

Матбуот анжумани

ЎЗМТДП ФРАКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДАГИ НАТИЖАЛАР

ҲАҚИДА АХБОРОТ БЕРИЛДИ



< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Кўйи палатага киритилган 118 қонун лойиҳасининг 73 таси (62 фоизга яқини) бўйича фракция аъзолари масъул бўлиб, уларни маромига етказиш жараёнида фаол иштирок этди. Шунингдек, партия сайловди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб 3 қонун лойиҳаси бевосита фракция аъзоларининг ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди.

Хусусан, фракцияда ташаббус билан юртимизда энергетик ичимликларни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва сотишни чеклаш бўйича "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида" ва "Жамоат жойларида чилим ва электрон сigaretаларни чекишни чеклаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилинганлиги муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳалари қизгин мунозара ва мулоҳазаларга сабаб бўлди. Маълумки, "Жамоат жойларида чилим ва электрон сigaretаларни чекишни чеклаш тўғрисида"ги қонун шу йилнинг 1 октябридан қуча кирди. Айни пайтда фракцияда яна учта — "Маданият тўғрисида"ги, "Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаларини тайёрламоқда. Бундан ташқари, фракция иш режасида белгиланган "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йилнинг 19 сентябрь кунин Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритди. Мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида фракцияда мунозаралар бўлиб, афвот фаол иштирок этди.


Матбуот анжуманида қайд этилганидек, бугун партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ЎЗМТДП дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, юртимиздаги маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва уларни инвентаризациядан ўтказиш ишларини ўрганмоқда. Ўрганиш жараёнида соҳада талай камчилик ва муаммолар борлиги аниқланди. Масалан, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига белгиланган масалаларга тааллуқли 4 қонуности ҳужжати ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, архивларда сақланмаётган минглаб маданий мерос хусусиятига эга архив ҳужжатларининг алоҳида рўйхати мавжуд эмас, уларни ҳисобга олиш, сақлаш ва фойдаланиш тартибини белгиловчи махсус қонуности ҳужжати қабул қилинмаган. Фракция аъзолари ушбу қонуности ҳужжатларини қабул қилиш бўйича чоралар кўриш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқди.

Тадбирда фракция аъзолари ҳар йили Давлат бюджетини муҳофаза қилишга қўпроқ маблағ ажратилишига

этибор қаратиб келиши, бунинг натижасида Давлат бюджетидан ушбу мақсадларга ажратилган маблағлар миқдори йилдан-йилга ортиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, 2018 йилда фракция ташаббуси билан меъморий, тарихий, маданий объектларни асраб-авайлаш ва туризм салоҳиятини ривожлантириш, маданий ва археология мероси объектларида консервациялаш ва реставрация ишларини ўтказиш бўйича дастурни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 38,7 миллиард сўм ажратилишига эришилган. Ушбу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан қарийб 13 миллиард сўмга кўп. Бундан ташқари, фракция аъзолари партия ходимлари ва тегишли идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар билан ҳамкорликда моддий маданий мерос объектларини ҳимоя қилиш, уларни сақлаш, инвентаризация қилиш, мулк ва эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи кадастр ишларининг ҳолатини объектив баҳолаш, ер тузиш ва давлат кадастри хизмати туман (шаҳар) бўлимлари орқали объектларнинг давлат кадастри рўйхатидан ўтказиш каби масалаларни ҳал этиш бўйича ҳам ўрганишларни амалга оширмоқда. Айни пайтда 7 минг 500дан ортиқ маданий мерос объектидан 6 минг 620га яқини ўрганилди. Ўрганиш натижалари бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Матбуот анжуманида ЎЗМТДП фракцияси аъзоларининг халқ билан мулоқот қилиши, уларнинг дарду ташвишларини ўрганиш, муаммоларини ҳал этиш борасидаги фаолиятига ҳам тўхталиб ўтиди. Қайд этилганидек, депутатлар ишчи гуруҳ билан биргаликда 64 туман ва шаҳарда бўлиб, таълим, тиббиёт, маданият, спорт, уй-жой ва коммунал соҳадаги мавжуд ҳолатни яқиндан ўрганилди. Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминлини юзасидан аниқланган маса-

ХУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА АҲОЛИ УЧУН МУНОСИБ ҲАЁТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ ЮЗАСИДАН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР



муассасалари, деҳқон бозорлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотиладиган дўконлар, умумий овқатланиш объектлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, тиббиёт муассасаларида бўлиб, аҳолининг соғлом овқатланиши ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш борасидаги ишлар билан танишилди.

Матбуот анжуманида фракция аъзолари олдидан талай вазифалар турганилиги, шу боис амалий ишлар салмоғини янада кўпайтириш, ҳар бир ишни ўз вақтида бажаришга масъулият билан ёндашиш зарурлиги таъкидланди.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари вакилларини қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

— Партиянинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари фаолияти самарали йўлга қўйилганми? Фракция аъзоларининг улار билан ҳамкорлиги қай даражада ташкил этилган?

— Очигини айтиш керак, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 июлда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан учрашувдаги маърузасида маҳаллий Кенгашлар фаолияти танқидий таҳлил қилингандан кейин улар фаолиятида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Масалан, ЎЗМТДП гуруҳи вакиллари айни пайтда жойлардаги маданий мерос объектларининг ҳолатини, мавжуд муаммоларини ўрганиб, тегишли тақлифлар ишлаб чиқаяпти. Ушбу масала сессияларда муҳокама қилиняпти. Сессия қарорлари ижросини мунтазам назорат қилиш йўлга қўйилди.

Депутатларимизнинг фракция билан ҳамкорлиги борасида муайян тизим ишга тушганини таъкидлаш жоиз. Яъни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама қилинмаётган қонун лойиҳалари худудий партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгаш депутатларига юборилади, яъни "фракция — марказ — вилоят — туман" тартибда ишлайдиган тизим жорий этилган.

Ушбу тизим орқали қонун лойиҳалари бўйича тақлифлар тақдим этилади.

Ўз фаолиятида сусткашликка йўл қўйган депутатлар ҳам йўқ эмас. Партия ташкилоти билан алоқасини узган, вазифасига совуққонлик билан ёндашган 10 депутат мuddатидан олдин қақриб олинди.

— Партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг маданий мерос объектларини ўрганишлари жараёнида асосан қандай муаммолар кўзга ташланипти?

— Ўрганишлар давомида маданий мерос объектларининг 75 фоизда давлат муҳофазат қилинаётгани аниқланди. Аксариятида кадастр ҳужжатлари мавжуд эмас. Тарихий ёдгорликларни реставрация қилиш ишларига тарихий-илмий ёндашувни таъминлаш зарурати мавжуд. Бу борадаги муаммоларни Ўзбекистон маданият вазирлиги иштирокида бўладиган парламент эшитувида атрофича муҳокама қилишни режалаштирганми.



лар бўйича тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларга 33 депутатлик сўрови юборилиб, 29 масала (97,8 фоизи) ижобий ҳал этилган, биттасига жавоб кутилмоқда, қолган учтаси жойлардаги 2019 йилга мўлжалланган Давлат дастурига киритилиши мўлжалланган. Бундан ташқари, парламент ва партия сайтига, Қонунчилик палатасига фуқаролардан фракция аъзолари номига келиб тушган 1 миң 602 муурожаат юзасидан ишлар олиб борилмоқда, тегишлилиги бўйича вазирлик ва идораларга юборилиб, ижроси назоратга олинди.

Фракция аъзолари ҳисобот даврида фуқароларнинг соғлигини сақлаш ҳамда давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 16 январдаги "Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш борасида жойларда амалга оширилаётган ишларнинг ҳолатини ўрганилди. Жумладан, худудлардаги мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, академик лицейлар ва касб-хўнара коллежлари, спорт ва олий таълим

ФУҚАРОЛАРНИНГ СОҒЛИГИНИ САҚЛАШ

БОРАСИДА ҚҰМИТА ФАОЛИЯТИ САРҶИСОБ ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси ҳам матбуот анжумани ташкил этди. Унда қўмитанинг ўтган давр ичида амалга оширган ишлари ҳамда келгусидаги вазифалари атрофича таҳлил қилинди.



— Президентимиз тақлифи билан янги ташкил этилган қўмитамиз ўтган давр мобайнида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар устидан парламент ва депутатлик назоратини янада кучайтириш, жойларда соҳага оид муаммо ва камчиликларни ўз вақтида аниқлашга этибор қаратиб келмоқда, — деди парламент кўйи палатаси Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси раиси, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Иноят Хожиев. — Қўмитанинг ҳар бир аъзоси соҳадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишга қўмаклашиш мақсадида тегишли худудларга масъул этиб беририлди. Ўрганишлар давомида қатор муаммо ва камчиликлар аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига парламент сўрови юборилди. Шунингдек, қўмитада ташкил қилинган ишчи гуруҳи соғлиқни сақлашга доир қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказди. Натижада соҳага оид қонунларнинг 11 қонуности ҳужжати қабул қилинмаган аниқланди ҳамда уларни қабул қилиш бўйича тақлиф киритилди. "Йод етишмаслиги касалликларни профилактикаси тўғрисида"ги, "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги, "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги қонунларга асосан қабул қилиниши лозим бўлган қонуности ҳужжатлари шулар жумласидадир. Матбуот анжуманида қайд этилганидек,

ўтган давр давомида қўмиता қонун лойиҳаларини такомиллаштириш, соғлиқни сақлашга оид ҳужжатларга тақлифлар бериш борасида ҳам муайян ташаббусларни амалга оширди. Қўмитага келиб тушган 6 қонун лойиҳасидан биттаси — "Жамоат жойларида чилим ва электрон сigaretалар чекишни чеклаш тўғрисида"ги қонун қабул қилиниб, қуча кирди. Қўмитада тузилган ишчи гуруҳи учта қонун лойиҳасини мукамаллаштириш юзасидан қизгин муҳокамалар ўтказмоқда. Жумладан, "Инсон органлари, тўқималари ва (ёки) ҳужайраларини трансплантация қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси жойларда кенг жамоатчилик ва мутахассислар билан муҳокама қилиниб, билдирилган тақлифлар ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилмоқда. Бундан ташқари, "Инсон органлари, тўқималари ва (ёки) ҳужайраларини трансплантация қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ва "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари биринчи ўқишда қабул қилиниб, кейинги ўқишга тайёрланмоқда. Бундан ташқари, қўмиата аъзолари, экспертлар, тегишли вазирликлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳи ишлаб чиққан "Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси яқин кунлар ичида Қонунчилик палатасига киритилади. Қайд этилганидек, қўмиата аъзолари ҳар ойда 10-15 кун жойларда аҳоли билан

юзма-юз мулоқот олиб бориб, соғлиқни сақлаш соҳасидаги муаммоларни ўрганмоқда, уларни ҳал қилиш чораларини кўрмоқда. Жумладан, ўтган давр давомида республикамизнинг 70дан ортиқ туман ва шаҳарида ўтказилган ўрганишлар давомида фуқаролардан 5 миң 500дан ортиқ муурожаат бўлган. Кўтарилган муаммоларнинг 2 миң 713 таси жойида ҳал этилган. 349 фуқаро ногиронлар аравачаси ва эшитиш мосламаси, 78 фуқаро кўлтиқтаёқ ва 88 фуқаро ҳасса билан таъминланишига эришилган. Шунингдек, 15 миңдан зиёд фуқаро чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилган. Жойлардаги масалаларни ҳал қилиш юзасидан қўмиата аъзолари томонидан тегишли ташкилот ва идораларга 30 депутатлик сўрови юборилган.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси соҳадаги устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, қонунчиликни такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, тегишли қонун ҳужжатлари ижросини тизимли ўрганиш ва мавжуд муаммоларни бартараф қилиш борасидаги ишларни изчил давом эттиради. Халқимизнинг саломатлигини асраш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда дори воситалари таъминотини янада яхшилаш масалалари қўмиата аъзоларининг доимий эътиборида бўлади.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакилларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Фракция фаолияти

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Мазкур қонун лойиҳаси билан 7 та қонун ҳужжати — "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонун, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, "Ҳўжалик юритуви субъектлари фаолиятининг шартномасий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги ва "Парламент назорати тўғрисида"ги, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги ва "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ

ПАРТИЯ ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАРИ ҲАМДА ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



киритиш тартиби тўғрисида"ги қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда, — деди ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Даврон Арипов. — Жумладан, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунга халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан Адлия вазирлигининг худудий бўлинмалари раҳбарларининг жойларда норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати бўйича ҳисоботларини эшитишга доир ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилмоқда.

Қайд этилганидек, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши адлия органлари фаолияти тизимлилиги даражасини оширади ҳамда давлат ҳокимияти вакилий органларининг адлия органлари фаолияти устидан назорат ваколатларини кучайтиради. Шунингдек, Адлия вазирлигининг ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини юритиш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарadorлигини оширишдаги ролини белгилаб беради.

Президентимизнинг 2018 йил 11 апрелдаги "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига асосан ишлаб чиқилган "Архив иши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам депутатларнинг қизгин баҳс-мунозараларига сабаб бўлди.

— "Архив иши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси соҳага оид муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган, — деди ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Дилфуза Жалилова. — Ҳозирги кунда давлат архивларида 8,6 миллиондан ортиқ, идоравий архивларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий архив фонди ва унинг нодавлат қисмига тегишли бўлган 1,2 миллиондан ортиқ сақлов бирлигидagi архив ҳужжатлари сақланмоқда. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган архив ҳужжатларини тасарруфдан чиқариш, универсал ҳуқуқий ворислик тартиби ёхуд бошқа усулда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказиш бўйича рухсат бериш жараёнини қисқартиришга имконият яратади. Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида Россия Федерацияси, Қозғистон, Украина, Беларус Республикаларининг архив бўйича тажрибаси ва қонун ҳужжатлари ўрганилганда уларда ҳам Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган архив ҳужжатлари тасарруфдан чиқарилгани, яъни универсал ҳуқуқий ворислик тартиби ёхуд бошқа усулда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказилиши бўйича рухсат бериш тўғрисида меъёрлар йўқлиги аниқланди.

Ушбу қонун лойиҳаси фракция аъзоларининг тақлиф-мулоҳазалари асосида иккинчи ўқишда маъқулланди.

Йиғилишда фракция ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди. Яқунда кўрилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Сана

ТИЛ ВОСИТАИ РОБИТАИ ОЛАМИЁНДУР...

21 ОКТАБРЬ — ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАНЛИГИНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ МАМЛАКАТИМИЗДА КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА



< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бош Қомусимизнинг 4-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир”, деб белгилаб қўйилди. Шу боис, 21 октябрь санаси арафасида ушбу кунга бағишлаб тадбирлар ўтказиш анъанана айланган. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида “Ўзбек тили ва адабиётининг тарихи, унинг бугунги ҳолати ва истиқболи” мавзусида ўтказилган очик мулоқот ҳам айни шу мақсадда ташкил қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси раиси Сарвар Отамуратов “Ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини олиш ва давлат тилининг жамиятдаги макъени янада оширишда ЎзМТДПнинг ўрни” мавзусида маъруза қилди.

— Партия дастурида давлат тилини бойитиш ва янада такомиллаштиришга, тил маданиятини, ўзаро муомала сифатини юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш, оммавий муомалада ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини оладиган аниқ мақсадли ишларни олиб бориш алоҳида белгиланган бўлиши шарт. — деди партия раҳбари. — Шу боис тилимизнинг софлигини сақлаш ва таъминлаш Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатларнинг асосий вазифаларидан бирига айланган. Жумладан, тил ҳақида қабул қилинган қонунлар ижроси юзасидан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатилтириш, ўзбек тилини асраб-авайлаш ва уни кенг тарғиб этиш борасида амалий ҳаракатлар, тарғибот, ташвиқот ишлари самарали йўлга

қўйилмоқда. Бу борада илмий муассасалар ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик мустаҳкамланаётир. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партиямиздан сайланган депутатлар жамоат жойлари, оммавий ахборот воситаларида ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига амал қилиниши ҳолати, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги ва “Реклама

тўғрисида”ги қонунларининг ижроси, бу борадаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга кўмаклашиш юзасидан депутатлик назоратини олиб бормоқда. Ўрганишлар давомида мамлакатимиздаги бир қанча корхона, муассаса ва ташкилотлар, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи савдо дўконлари пешлавларларида, ташқи реклама баннерларида ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларининг қўпол тарзда бузилиши ҳолатлари кўзга ташланди. Аниқланган камчиликлар бўйича ўтган давр мобайнида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари Кенгаш сессияларига 50дан ортиқ ташаббус-масала киритди. Бу борада мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитилди, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қарорлар қабул қилиниб, ижроси таъминланишига эришилди, — деди партия етакчиси.

Ўзбек тилининг софлигини сақлаш, унинг жозибдорлигини оширишда бой маънавий меросимиздан фойдаланиш самарали натижа беради. Бу борада қадимги халқ оғзаки ижоди намуналари, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Хоразмий, Рабғузий, Атоий, Саккокий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Гулхоний, Муқимий, Фурқат, Завқий каби ижодкорлар асарларини ўрганиш, бугун унутилаётган сўзларни ишлатиш, тарғиб қилиш муҳим омил саналади. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси мазкур жиҳатга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ҳар йили республика миқёсида “Навий ворислари” кўрик-танловини ўтказишни йўлга қўйди. Бугунги кунга қадар танловда 3 мингга яқин ёшларнинг иштироки таъминланиб, улар орасидан Навоий асарларини пухта ўрганган, 50-100га яқин фазаларини ёд олиб, ёзма шарҳини таҳлил этиб бера ола-

диган, билимдон йигит-қизлар сараланди. Эндиликда партия мумтоз адабиётимиз намояндаларига бағишланган иншоолар танловини ҳам ўтказишни режалаштирмоқда. Бу каби саъй-ҳаракатлар тилимизни асраб-авайлаш, жозибдорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Тадбирда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети кафедра мудири Саодат Худойбердиева ҳамда ЎзМТДП фракцияси аъзолари, партия фаоллари сўзга чиқиб, ўзбек тилини янада бойитиш ва такомиллаштиришга доир тақлиф-мулоҳазаларини билдирди. Давлат тили қоида ва меъёрларига нисбатан йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар танқид қилинди, уларнинг олдини олиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.



Алишер ҚОДИРОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси:

— Тили халқ яради ва неча минг йиллар давомида шакллантириб боради. Демак, халқ тақдирини тил тақдирини билан бевосита боғлиқ.

Тил ҳар бир миллат маданиятининг ўзағидир. Тил халқни бирлаштиради, ўқитади, урф-одат, анъаналарини сақлайди. Тил оғзаки ва ёзма нутқ орқалигина яшайди. Агар биз нутқимизда сўзларни бузиб гапирсак ёки ёзаётганда имло қоидаларига риоя қилмасак, тилимиз камбағаллашиб боради. Бунинг қандай оқибатларга олиб келишини тасаввур қилиш мушкул. Шу боис тилимиз софлигини таъминлаш долзарб масалалардан биридир. “Давлат тили ҳақида”ги қонунда деярли барча зарур меъёрлар белгиланган, уларнинг ижросини таъминлаш эса муҳимлигича қолмоқда. Бу борада ҳали қилишимиз лозим бўлган ишлар талайгина. Бугун очик мулоқотда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан ҳамкорликда ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига амал қилиниши ҳолатини ўрганиш, бу борада тизимли парламент ва жамоатчилик назоратини амалга оширишга келиши олигини айни мудида бўлди.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ҳам

“Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини кенг жорий этиш ва янада такомиллаштириш муаммолари” мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Конференцияда “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг ижроси, миллий тил ва ёзувнинг нуфузини кўтариш, ўзбек ёзувининг шаклланиш тарихи ва бугунги ҳолати, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини кенг оммалаштириш ҳамда лотин ёзувидаги китобларни чоп этишдаги муаммолар, уларни бартараф этиш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси раиси Сарвар Отамуратов маъруза қилиб, бугунги кунда тилимизнинг қўлланилишида учраётган муаммолар, жамоат жойларида ёзув қоидаларига риоя эмаслик ҳолатлари ва бу борада ЎзМТДП олиб бораётган саъй-ҳаракатлар хусусида тўхталиб, Шунингдек, партия етакчиси ўзбек тилини оммалаштириш, таржима ишини самарали йўлга қўйиш, давлат хизматлари ходимлари учун ўзбек тили фанидан имтиҳон жорий қилиш каби аниқ ва илмий асосланган тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди.

— Дарҳақиқат, бугунги кунда жорий имлони такомиллаштириш, “Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини”ни тузатиш ва унга кўшимчалар киритиш долзарб масала бўлиб турибди, — деди Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклорини институти директори, профессор Низомиддин Маҳмудов. — Негаки, ўзбек тилида айрим сўزلарни, хусусан, рус ва Европа



тилларидан айрим ўзлашмаларни қандай ёзиш имло қоидаларидан четда қолган. Бу ҳол нашр этилаётган имло луғатларида уларни турлича берилишига ва ёзув амалиётида ҳар хилликка сабаб бўлмоқда. “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти универ-

ситетини ташкил этиш тўғрисида”ги Президент фармонида ўзбек тилининг асл табиати ва хусусиятларини тўла акс эттирадиган мукаммал академик ва ўқув грамматикаларини яратиш, унинг товушлар тизими ва уларнинг ёзувда акс этиши, жорий имло қоидаларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тақлифлар тайёрлаш, тўлиқ имло қоидаларини такомиллаштириш, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари, Халқ таълими вазирилик қосидаги таълим маркази ходимларидан иборат ўзбек тили алифбоси ва жорий имло қоидаларини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ тузилган эди. Ишчи гуруҳ аъзолари ижтимоий тармоқларда ўз фаолиятлари юзасидан ахборотлар, “Ўзбек тили алифбоси ва жорий имло қоидаларини такомиллаштириш концепцияси”ни доимий равишда эълон қилиб бормоқда.

Конференцияда қатнашчилар эътиборига жорий ўзбек алифбоси ва имлосига киритилиши зарур бўлган ўзгаришлар бўйича тақлифлар ҳавола қилиниб, баҳс-мунозаралар ўтказилди. Тадбир сўнггида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини кенг жорий этиш ва янада

такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ижросига йўналтирилган конференция резолюцияси қабул қилинди. ***

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ҳудудий ташкилотлари, партия гуруҳлари ўз сайловолди Платформасига ҳамоҳанг равишда мамлакатимиз бўйлаб тил байрамларига бағишлаб тадбирлар ташкил этмоқда. Шу кунги ЎзМТДП Марказий кенгаши фаоллари ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 29 йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги Алишер Навоий хайкали пойига гулчамбар қўйди.

Умида УЗОҚОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Сайёр қабул

МУРОЖААТЛАР ЕЧИМИДАН АҲОЛИ МАМНУН

Халқ вакилларининг ҳудудларда бўлаётгани, фуқаролар билан мулоқот қилиб, уларнинг кундалик эҳтиёжлари, талаб ва истакларини яқиндан ўрганаётгани ўз самарасини бераётир. Бу фаолият натижасида туپланиб қолган муайян муаммо ва масалалар бартараф этилмоқда, мавжуд ҳолатларга тегишли мутасаддиларнинг эътибори қаратилаётир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоси Жаҳонгир Широнон Жондор туманининг Ибн Сино номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида сайёр қабул ўтказди. Учрашувда фуқаролар ўзларини қийнаб келаятган бир қатор масалаларни ҳал этиш ва кундалик турмушда дуч келинаётган муаммолар билан муурожаат қилди.

Қабул давомида Асбосоз қишлоғида яшовчи Сабоҳат Самиева тикувчилик билан шуғулланиши ва ушбу фаолиятини кенгайтириш истаги борлигини билдириб, амалий ёрдам сўради. Унинг муурожаатидан маълум бўлишича, қишлоқда анча йиллар олдин қурилган эски масжид биноси мавжуд. Айни пайтда у қаровсиз ҳолда, кадастр рўйхатидан ўтмаган, электр энергияси билан таъминланмаган. Сабоҳат опа ушбу бинони ўз маблағи ҳисобидан таъмирлаб фойдаланиш, қўшимча ишчи ўринлари яратиб, қишлоқдаги ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадини билдирди. Депутат мазкур масалани ўрганиб чиқди. Натижада бино туман ҳокимининг қарори билан маҳалла фуқаролар йиғини балансига ўтказилган, тегишли ҳужжатлари тайёрланган, фуқарога уч томонлама шартнома асосида ижарага берилдиган бўлди.

1980 йилда тузилган, болаликдан 1 гуруҳ ногирони Исоқ Ибодов ҳамда унинг турмуш ўртоғи, II гуруҳ ногирони Рушана Тўраеванинг voyага етмаган икки фарзанди бор. Ушбу оила муурожаати асосан

бундан аввал уларга туман ҳокимининг қарори билан уй-жой қуриш учун ер майдони ажратилган эди. Бироқ оила кўлида айни пайтда уй-жой қуриш учун етарли маблағ йўқ. Ушбу муаммони ўрганиб чиққан депутат вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан ажратиладиган маблағ ҳисобидан амалий ёрдам берилишини маълум қилди.

Сайёр қабул жараёнида маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ботир Жумаев мазкур муаммоларни ҳал этиш, депутатларга келаётганини билдириб, кўмак сўради.

Айни кунларда 0,25 гектар майдонда аҳолининг хоҳиш ва истакларини инобатга олиб, “Жамият” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Пахтакор қишлоғида икки қаватли, 75 ўринга мўлжалланган замонавий мактабгача таълим муассасасини барпо этиш ишлари бошлаб юборилди.

Жаҳонгир Широнон тегишли соҳа вакилларига муурожаат қилиб, бу масалага оидинлик киритганини, мазкур ҳудудларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи ҳудудни ривожлантириш бўйича 2019-2020 йилларга мўлжалланган дастурга киритилганини маълум қилди.

Фуқаро Бобоқул Имомов Далмун қишлоғидан Қизилбети зияратгоҳига бўлган йўлни асфальт қилиш зарурлигини айтди. 2018 йилда ушбу йўлнинг бир қисми таъмирланган бўлиб, қолган қисми 2019 йилда давом эттирилиши билдирилди.

— Парламентдаги вакилимиз билан

юзма-юз мулоқот чоғида ҳудуддаги мавжуд муаммоларимиз хусусида муурожаат қилдик, — дейди 36-умумтаълим мактаби директори Эркин Воҳидов. — Мактабимизга Давча, Ўба, Лоло қишлоқларидан қатнаб ўқийдиган ўғил-қизлар, айниқса, бошланғич синф ўқувчилари йўл узоқлигидан азият чекмоқда. Айниқса, қишнинг изгиринли, қор-ёмғирли кунларида ахвол янада мураккаблашади. Бунинг оқибатида ўқувчиларнинг тез-тез дарсга кечикиб келиши ёхуд дарс қолдириш ҳолатлари кузатилади. Шу боис мазкур ҳудуддаги ўғил-қизларимиз учун автобус қатновини йўлга қўйишда депутатимиздан амалий кўмак сўрадик.

Мазкур мактаб шарт-шароити ва ҳолатини бориб ўрганган халқ вакили ёш авлоднинг таълим-тарбияси билан боғлиқ ушбу масалада туман транспорт департаменти орқали аниқлик киритиши

ва унинг ижросини назоратга олишини билдирди. Шунингдек, мактаб биносининг таъмирталаб ахволга келиб қолгани ҳам депутат назаридан четда қолмади — унинг мукаммал таъмирга муҳтожлиги борасида тегишли мутасаддиларга муурожаат қилиб, назоратга оладиган бўлди.

“Мирзаён” маҳалла фуқаролар йиғини Мирзаён қишлоғида яшовчи фуқаро Оқила Музафарова 16 йил давомида тумандаги 39-умумтаълим мактабда она тили ва адабиёти фанидан ёшларга сабоқ бериб келади. У депутат билан учрашув давомида бугун юртимизда яратилаётган

имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда ҳудудда нодавлат мактабгача таълим муассаси ташкил этиш истаги борлигини билдирди ва бу борада амалий кўмак сўради. Халқ вакили ташаббуси билан тегишли чора-тадбирлар кўрилиб, давлат ва хусусий шерикчилик асосидаги битим имзоланди ва фуқарога кредит маблағи ажратилди. Айни кунларда 0,25 гектар майдонда аҳолининг хоҳиш ва истакларини инобатга олиб, “Жамият” МФЙ Пахтакор қишлоғида икки қаватли, 75 ўринга мўлжалланган замонавий мактабгача таълим муассасасини барпо этиш ишлари бошлаб юборилди.

— Бизни қийнаб келаятган муаммога ечим топишда амалий кўмак берган депутат Жаҳонгир Широнон ҳамда Оқила Музафаровага ўз миннатдорлигимизни билдиралик, — дейди қишлоқда ташкил этилган бўз чеҳи ишчиси Нодира Пиримова. — Фарзандларимизнинг боғчага бориб, ўз тенгқурлари билан биргаликда таълим-тарбия олиши уларнинг болалиқдан маънавий комил инсон бўлиб voyага етишига муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, мактабгача таълим муассасаси ташкил этилиши қишлоғимиздаги мен каби ишчи оналар учун ҳам айни мудида бўлади — фарзандларимизни ишончли қўлларга топириб, хотиржам ишлаймиз.

Дарҳақиқат, халқ вакилининг ўз сайлов округида олиб борган фаолияти, аҳоли билан очик мулоқоти ҳудудда йиғилиб қолган қатор муаммолар ечимига хизмат қилди. Зеро, сайловчилар ҳар бир депутат фаолиятига амалий ишлар натижасига қараб баҳо бериши, шубҳасиз.

Муслима РЎЗИЕВА,
ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Очик мулоқот

Асосий электорати зиёлилардан иборат бўлган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси таълим сифатини такомиллаштириш, таълим муассасалари билан муаммоларни қишлоқликни йўлга қўйиш борасида қатор ташаббусларни илгари сурмоқда. Яқинда ЎзМТДП Чилонзор туман кенгаши ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Шавакат Шарипов ташаббуси билан “Депутат билан юзма-юз” лойиҳаси доирасида аҳоли билан очик мулоқот ташкил этилди. Унда партия фаоллари, ҳудуддаги “Катта Қозиробод” маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ҳамда 138-умумтаълим мактаби жмаоаси қатнашди.

ДЕПУТАТ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ УНДА МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ТОПИЛМОҚДА

Учрашувда мактаб раҳбарияти ва ўқитувчилар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг катта таърибга эга, малакали ўқитувчиларини доимий равишда таълим масканига семинар-тренинглари ўтказиш учун жалб қилиш, методик ёрдам кўрсатиш ҳақида муурожаат қилди. Депутат устоз-мураббийларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаб, мактабга университет ўқитувчиларини бириктириш, улар учун университет ахборот-ресурс маркази, спорт залларидан фойдаланиш имкониятини яратиб беришга кўмаклашишини маълум қилди.

Очик мулоқотда “Катта Қозиробод” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Санобар Бобохонова, Захро Валижонова маҳалла ҳудудида жойлашган болалар майдончасини тартибга келтириш, фуқароларни иш билан таъминлаш масалаларини ўртага ташлади. Депутат мазкур масалада тегишли ташкилотларга сўров юбориб, ижобий ечим топишга кўмаклашишини айтди.

Тадбирда мактаб битирувчиларининг таълим тизимига оид савол, фикр-мулоҳазалари сўхбатнинг баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтишига сабаб бўлди. Бу каби очик мулоқотлар депутат билан аҳолининг самарали ҳамкорлигини ташкил этиш ва ҳудуддаги мавжуд муаммоларга ўз вақтида ечим топишига хизмат қилади.

Хулқар СУЛТОНОВА,
ЎзМТДП Чилонзор туман кенгаши етакчи мутахассиси

Назорат ва таҳлил

МАДАНИЯТ ЁДГОРЛИКЛАРИ ЎТМИШ ВА ТАРИХДАН СЎЗЛАЙДИ

УЛАРНИ ЎРГАНИШ, КЕЛАЖАК АВЛОДЛАРГА БУС-БУТУН ЕТИБ БОРИШНИ ТАЪМИНЛАШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Давоми. Бошланғич 1-бетда.



Равшан МАХМУДОВ, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши етакчи мутахассиси: — Пойтахтимизда 340дан зиёд моддий маданий мерос объекти рўйхатга олинган бўлиб, улар археологик, архитектура, монументал санъат ёдгорликлари ҳамда диққатга сазовор жойлар саналади.

ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши уларни ўрганиш жараёнида айрим тарихий масканларнинг манзили ўзгаргани, муҳофаза ҳудуди белгиланмагани, таъмирга муҳтожлиги ва қадастр ҳужжатларида камчиликлар мавжудлигини аниқлади.

Оқтепа — Марказий Осиёда қадимги бино қолдиқлари ва археологик маданий қатламлар ўрин олган жой бўлиб, Тошкент шаҳрида уларнинг бир нечтаси сақланган. Кўкча Оқтепаси, Чилонзор Оқтепаси, Сағбон Оқтепаси, Чингай Оқтепаси, Юнусобод Оқтепаси шулар жумласидандир. Улар ичида Юнусобод тумани ҳудудида жойлашган Оқтепа ёдгорлиги ўзининг қадимийлиги билан ажралиб туради.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида реставрация қилинган Шайх Зайниддин бобо, Хўжа Алламбардор, Хайрбод Эшон, Қўйлик ота мажмуалари ҳам бугунги кунда таъмир ва эътиборга муҳтож.

Ўрганишлар жараёнида Олмазор туманида жойлашган Калонхона, Ҳофиз Кўҳакий масжиди айни пайтда ташландиқ ҳолга келиб қолгани аниқланди.

Ўрганишлар натижалари мутасадди идораларга маълумот, тақлиф ва мулоҳазалар тарзида тақдим қилинмоқда.



Шарофиддин ҲАКИМОВ, ЎзМТДП Фарғона вилояти кенгаши етакчи мутахассиси: — Айни кунларда ушбу вазибалар ижросини таъминлаш мақсадида Фарғона вилоятида ҳам маданий мерос объектиларининг бугунги ҳолатини ўрганиш ишлари қизгин тус олган.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида берилган маълумотга кўра, туманда Қапчиғай ёри (миллоддан аввалги 33-12 минг-йилликлар), Зураймомо тепалиги (миллоддан аввалги VI аср), Китқонқалъа (I-IV асрлар), Кўкитило бува, Муйка азиз бува, Умоч бува, Сертут бува, Шоҳ Толиб бува, Хаста хоним, Девона бува, Оқмозор каби зиёратгоҳлар, Дўсти Худо масжиди (бурбалиқ XVIII-XIX асрлар) ва бошқа тарихий-меъморий ёдгорликлар мавжуд.

Гумбаз шаклида қурилган ушбу маскан ҳақида халқ орасида "саҳоба Бобо Аҳтамнинг қадамжойи" деган тахмин тилдан-тилга кўчиб юради.

Шунингдек, Бувайда туманида ҳам ўрганиш ишлари олиб борилди. Худуддаги Бандиқушод бува, Катта ва кичик Оқтепа, Мунчоктепа, Шўрттепа, Чилтонтепа, Тешиктепа, Қилоттепа каби ёдгорликлар бугунги кунга қадар ўз нуфузи ва аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

Маданий мерос объектиларини ўрганиш жараёнида туманларда айрим тарихий масканлар эътибордан четда қолиб кетганига гувоҳ бўлди.

Туманининг Подшоҳпирим қишлоғида жойлашган Муҳаммад Жарир Подшоҳпирим зиёратгоҳи X-XIV асрларга оид бўлиб, унда саркарда Саид ибн Усмоннинг набираси имом Муҳаммад Жарир дафн этилган.

Депутат фикри


Давоми. Бошланғич 1-бетда.

2017 йил декабрь ойида Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашаларга бўлиб ўтган сайловда сайлов жараёнини бошқаришнинг ахборот тизими илк марта эксперимент тартибда синовдан ўтказилди ва ижобий самара берди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам мазкур сайлов жараёнида сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини жорий этишдаги барча босқичда фаол иштирок этиб, юзага келган муаммоларни таҳлил этиш имконига эга бўлди.

САЙЛОВ ЖАРАЁНИДА ШАФФОФЛИК ВА ТЕЗКОРЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

сайлов жараёни рақамлаштириш ва автоматлаштиришда қийинчилик туғдириш. Мазкур қарорда сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини жорий этиш ва сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан самарали фойдаланиш учун зарур аппарат-дастурий инфратузилмани яратиш вазифаси белгиланган.



Ақбар АБДУРАҲМОНОВ, ЎзМТДП Жиззах вилояти кенгаши етакчи мутахассиси: — Ғаллаорол тумани ўзининг бой тарихи, табиати, муқаддас қадамжолари билан маҳаллий сайёҳларни жалб этиб келмоқда.

Туманининг Авлиё қишлоғида жойлашган Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳи кўҳна масжид ва хилхонадан ташқари, шифобахш ва муқаддас булоқлари, сўлим ва фусункор табиати билан ажралиб туради.

Бир сўз билан айтганда, ушбу маскандан туризмни ривожлантириш мақсадида самарали фойдаланиш мумкин.

Ўрганишлар жараёнида зиёратгоҳда бир қанча муаммо ва камчиликлар борлиги аниқланди. Хусусан, масканда жойлашган тозалатки эътиборни янада кучайтириш лозимлигини кўрсатди.

Туманда Сайфин ота деб номланган яна бир машҳур зиёратгоҳ бор. У қабристон ҳудудида жойлашган бўлиб, қадимда шаҳар кўринишидаги кўрғон бўлган.

Зиёратгоҳ бугунги кунда хароб ҳолга келиб қолган. Партияташкилотимиз шу ердаги аҳоли ва ёшлар билан биргаликда ушбу зиёратгоҳда бир неча мартаба ободонлаштириш ишларини олиб борди.



Наргиза ШАЙДУЛЛАЕВА, ЎзМТДП Сурхондарё вилояти кенгаши етакчи мутахассиси: — Вилоятимизда жами 500дан зиёд маданий мерос объекти мавжуд.

Ўзида минг йиллик тарихни муҳассам этган Бақтрия, Тоҳаристон, Чағониён каби илк шаҳарсозлик ва давлатчилик асослари шаклланган тарихий масканлар мавжуд.

ЎзМТДП Сурхондарё вилояти кенгаши жойларда моддий маданий мерос объектиларини тўлиқ инвентаризация ва муҳофаза қилиш, уларнинг ҳозирги кундаги ҳолатини ўрганиш мақсадида тузган ишчи гуруҳнинг навбатдаги манзили Термиз туманидаги Қирққиз қалъаси бўлди.

Мазкур қалъа ўз даврида шаҳар ташқарисидаги кўрғон вази-фасини ўтаган. У Термиз деворининг шимоли-шарқиди, IX асрда Шаҳри Сомон деб номланган шаҳарда бунёд этилган.

Ўрганишлар Қирққиз айни пайтда хароб аҳволга келиб қолганини кўрсатди. Деворларининг емирилиши қалъанинг асл ҳолати йўқолиши, бўлақларга бўлиниб кетишига сабаб бўлган.

Жарқўрғон туманидаги маданий мерос объектиларини билан танишилганда, уларнинг аксарияти тепаликлардан иборатлиги маълум бўлди.

Тумандаги "Порлоқ юлдуз" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Арпапоё тепалиғида бўлганимизда ҳам юқоридаги каби манзарога дуч келдик.

Дарҳақиқат, буюқ аждодларимиз яратган илмий кашфиётлар, қадимий давлатчилик ҳамда миллий қадриятларни ўзида мужассам этган моддий-маданий мерос объектиларини ўрганиш, тадқиқ этиш, келажақ авлодларга безавол етказиш кечиктириб бўлмас вазибалардандир.

ЎзМТДП Сурхондарё вилояти кенгаши етакчи мутахассиси

"Milliy tiklanish" мухбири Умида УЗОҚОВА тайёрлади.



Мухтабар ҲУСАНОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Миллий кино

“ҲАЁТ” — ҲАЁТ ҚАҲРАМОНЛАРИНИ ТАРАННУМ ЭТАДИ

Ватанпарварлик нима? У, энг аввало, ўз туғилган уйингни, ота-онангни, сени воёга етказган, таълим-тарбия берган масканни — она юртингни севиши ва уни ҳимоя қилишга ҳар доим шай туришиндир. Бу муқаддас туйғу бизга она сунти, кейинчалик таълим-тарбия воситасида вужудимиз, руҳиятимизга сингади ва она юрт сарҳадларида хаф-хатар туғилганда ўғлонлар савий-ҳаракатларида намоён бўлади.



Таниқли режиссёр Ҳилол Насимов “Ўзбекино” Миллий агентлиги буюртмаси билан “Ватан” киностудиясида Зулфия Юнусова ҳамда Иқбол Мирзо сценарийи асосида суратга олган “Ҳаёт” бадий фильмида ана шундай чинакам ватанпарварликни акс эттиришга муваффақ бўлган. Аввало, сўнгги йилларда шу ва шунга ўхшаш мавзулардаги кино маҳсулотлари сони ортганлиги таъкидлаш жоиз. “Ҳаёт” фильми эса илк саҳналарида-ёқ оила, муҳаббат сингари қадрдон туйғуларни соф ўзбекона йўсинда акс эттириши билан эътиборни тортади. Бетақроқ табиат тасвири томошабин ҳаёт оламини гўзал ҳис-туйғуларга чулғайди. Ариларнинг гулдан-гулга қўниб бол йиғиши гўё Ҳаёт учун, яшаш учун курашнинг ёрқин ифодаси. Яқиндагина ҳарбий хизматдан қайтган фильм қаҳрамонининг ўт ўраётгани, онанинг сигир соғиши тинчлик ва фаровонликдан нахона. Достурхон атрофидаги ўзаро сўхбат, фарзандини сизлаб гапириш каби ўзбекона луфт томошабин кўнглида илиқ таассурот уйғотади.

Бош қаҳрамон Ҳаётнинг (Фотиҳ Насимов) бўлажақ рафикаси Лола (Ойсанам Юсупова) билан учрашуви, йигитнинг оғир вазиятларда ҳам ҳо-жаббарорлиги, тўйга таклиф этиш ниятида ўзи хизмат қилган ҳарбий қисмга бориши ва у ерда ногоҳон қора ниятли

жангариларнинг юртимиз тинчлигига раҳна солишга уринаётганидан воқиф бўлиши ва унда ҳам ҳарбийлар қаторида душманларга қарши курашишни пайдо бўлганлиги бирин-кетин ифодаланади. Икки севишган қалбнинг лозорда сайр қилиш асносида алвон рангли қизгалдоқзорнинг қонли жанггоҳ тасвирига улашни, тоғ ва унинг атрофидаги ўзаро тўқнашув, ўғлонларимизнинг бу йўлдаги мардонавор ҳаракати, қора ниятли кимсаларга қарши курашиш саҳнаси тўйга таратилган кўриш билан параллел ҳолатда тасвирланади.

2000 йилнинг август ойида Сурхондарё вилоятининг Сароисиё ва Узун туманларида юртимиз чегараларини бузиб киришга уринган, тинч-осуда ҳаётимизга раҳна солмоқчи бўлган жангариларга қарши мардона курашиш ҳалок бўлган ўғлонларимиз, уларнинг яқинлари қисмати мазкур кинокартинада, ўзбекона менталитетга хос ва мос тарзда очиб берилган. Жанг саҳналари, ҳарбийларнинг душманга қарши мардонавор кураши билан боғлиқ тасвирлар киносаънаоти ривожланган хориж фильмлариникидан қолишмайди. Тоҳир Саидов, Фарҳод Абдуллаев, Лола Элтоева, Мехриддин Раҳматовларнинг моҳирона ижроси фильм мавзусини янада кенг очиб бериш ҳамда қаҳрамон оламига чуқурроқ кириб бориш имконини берган.

Киноасарда таъсирчан лавҳалар ҳам кўп. Қаҳрамонларча ҳалок бўлган ҳарбийнинг чўнтагидан олиаси ва фарзандлари даврасида тушган суратнинг топилиши саҳнаси, кекса отахоннинг душманларга қарши кураш учун шакллантирилган рўйхатга уни ҳам қўшишни сўраб ёлворishi, чўпоннинг воқеа тафсилотларини сўзлаб бериши, фильм сўнггида янграйдиган ёр-ёр садоси ва ҳоказо. Бундай лавҳалар киноасарда эътиборини тортиши шубҳасиз. Фильм якунида Сароисиё ва Узун туманларида ҳалок бўлган ўғлонларнинг суратлари номма-ном кўрсатилиши ҳам томошабин қалбига юртимиз қаҳрамонларига нисбатан эҳтиром уйғотади.

— Ўтган йилнинг 28 августида Президентимиз, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида ўтказган сайёр видеоселектор йиғилишида 2000 йили Сароисиё ва Узун туманларида юртимиз тинчлигини ҳимоя қилиш йўлида ҳалок бўлган ҳарбийларимизнинг хотирасига бағишланган киноасарлар яратиш кераклиги ҳақида ҳам гапирган эди, — деди фильм режиссёри Ҳилол Насимов. — Ана шундан сўнг таниқли ижодкорлар Иқбол Мирзо ва Зулфия Юнусова сценарийи асосида фильм яратишга киришди. Аввал ҳам турли таққиланган ташкилот ва гуруҳлар ва уларга қарши кураш мавзусида фильмлар яратганман. Бироқ ушбу реал воқеалардан олинган мард ўғлонлар жасорати ва қаҳрамонликларининг бадий ифодаси ҳам масъулият, ҳам катта маҳорат талаб этишини бир дам бўлса да унутганимиз йўқ. Кино Фаргона, Сурхондарё, Чирчиқда қатнашган бир йил давомида тасвирга олинди. Бу жараёнда ҳарбий маслаҳатчиларнинг фикрларига таяндим. Сароисиё ва Узун туманларининг тоғ атрофида яшовчи аҳолиси билан сўхбатлашдик зарур бўлганда айрим воқеаларга ойдинлик киритилди. Қолаверса, ўша воқеаларда бевосита қатнашган ва қаҳрамонларча ҳалок бўлган юртдошларимизнинг яқинлари билан ҳам-сўхбат бўлдик. Айниқса, бу биз учун ҳам, улар учун ҳам оғир кечди, дейиш мумкин. Чунки 20-23 ёшли навқирон фарзандидан айрилган ота-она учун ўша оғир дамларни эслаш юракка тиф санчгандек гап. Аксарият ҳарбий йи-

гитларнинг ҳали ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган, севиш-севилиши, оила қуриш ёшида эди...

— Қалбига она юртга меҳри жўш уриб турган ҳар қандай инсон “Ҳаёт” фильмининг кўриб Ватанга қалқон бўлиш масъулиятини янада чуқурроқ ҳис этади, — деди Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммадзонова. — Фильм премьерасида иштирок этиб, унда тасвирланган ҳолатлардан қаттиқ таъсирландим. Киноасарда эса қоларли воқеалар жуда кўп. Энг қувонарлиси, тақдиротда фильм бош қаҳрамонларининг оналари ва яқинлари иштирок этганидир. Томошабин уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатди. Ўрнидан туриб олқишлади. Киноасарни томоша қилиш чоғида томошабин аскарга ёрдам бергиси келади. Ўз аскарлик бурчини қўйилмақом қилиб бажарётган, юрт тинчлиги йўлида жонини ҳам фидо қилишга тайёр ўғлонларимиз, қаҳрамонларимиз борлигига тасаннолар айтасан. Киноасарни кўриб шундай фарзандларни тарбиялаш воёга етказган оналарга таъзим бажо келтирасан.

Фильм қаҳрамони Ҳаёт оддий оила фарзанди. Оилага, эл-юртга меҳр-муҳаббат, садоқат руҳида тарбия топган. Ўз севиғисини ардоқлайди, инсонларга яхшилик қилишни инсоний бурчи деб билади. Ватан тинчлигини сақлаш учун ҳамма нарсага тайёр. Албатта, бундай мавзуда киноасар яратиш катта меҳнат ва машаққатни талаб этади. Шу боис “Ҳаёт” кинокартини ҳам бироз ишонарсиз ва сунъий ўйлаб топилган саҳналардан ҳоли эмас. Аммо шу пайтгача ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида яратилган фильмлардан мураккаб саҳналар ишончли ишлангани, ҳарбий техника ва тактика қўлланилишидаги ёрқин тасвирлари билан ажралиб туриши унинг қимматини янада оширган. Уйлашмики, мазкур кино эл-юртни севиш, унинг ҳар бир қарчи ерини асраб-авайлаш, тинчлик улғунеъмат эканлиги, шукроналик сингари олтинга тенг туйғуларнинг аҳамиятини очиб бергани билан томошабин кўнглидан чуқур жой эгаллайди.

Дилфуза МАҲКАМОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

Жаҳолатга қарши маърифат

“Аллоҳ сизлардан имон келтирганлар ва илм берилганларнинг даражаларини кўтарур” (Муждола сураси, 11-оят)

ДУНЁДА ИЛМДАН БОШҚА НАЖОТ ЙЎҚ ВА БЎЛМАГАЙ...

Юртимиз қадимдан илму маърифат маркази, тамаддун чорраҳаси бўлиб келган. Ушбу табаррук заминдан дунёга илму ирфон зиёсини таратган буюк алломалар, мутафаккирлар етишиб чиққан. Улар илм-фанининг қўллаб-қўллагичларига асос солиб, жаҳон тамаддунининг шонли маъғи бўлиб келган. Албатта, бунга аждодларимиз муқаддас динимизнинг илм эгаллашга доир кўрсатмаларини ҳаёти шиорига айлантиргани сабаб бўлган. Бобокалонларимиз илмни дунёвий ва динийга ажратмаган. Икки дунё саодатини диний ва дунёвий илмларнинг уйғунлигида билган. Аслида, инсоният илмининг тарихи ҳам шуни исботлайди. Қачонки, мусулмонлар диний ва дунёвий илмни баробар эгаллаганида халқларнинг энг пешқадами бўлган. Шунинг учун ҳам исломнинг илмга доир тарихини ўрганган инсон унинг зарварларида барча жабҳаларда ўз даврининг дурдонаси бўлган қомусий олимларнинг муборак номларини топади.

Куръони каримда ҳам илм олиш ва уни тарқатишга оид кўп кўрсатмалар учрайди. Ушбу буюк каломнинг илк нозил бўлган ояти ҳам айнан илм олишга тарғиб — “Уқи!” чақириги билан бошланган. Куръони каримда “илм” сўзи турли шаклларда 768 мартаба ишлатилганининг ўзидан ҳам динимизда илмнинг ўрни беқисс эканини англаш мумкин.

Шунинг учун ҳам илмнинг дунё-ю охиратдаги фазлини англаган, 600 минг ҳадиси санади билан ёддан билган, шулардан фақатгина 7 мингдан ортиқроқ энг ишончлисини ўз китобида келтирган буюк муҳаддис, ҳадис илмининг чироғи Имом Бухорий ҳазратлари “Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ, бўлмайдиган ҳам”, деган хулосага келганлар. Динимиз илмни инсоннинг икки дунёсини обод қилиш учун восита қилди. Ҳадиси шарифларда охиратини деб дунёсини, дунёсини охиратини ташлаб қўймаган инсон Аллоҳга энг суоқли банда сифатида тараннум этилади. Муқаддас ислом динимизнинг амри ҳам шу. Буни биз Имом Бухорий ўз саҳихларида ривоят қилган: “Илмни агарчи у Хитойда бўлса ҳам ўрганганлар” ҳадисидан билиб олишимиз мумкин.

Илм ислом даврида Хитойда диний билимлар эмас, балки инсон ҳаёти фаровонлигига сабаб бўлувчи дунёвий фанлар ривожланганини эътиборга оладиган бўлса, динимизда илм, деганда фақат шаръий илмлар кўзда тутилмаслиги яққол англашлади.

Аждодларимизнинг бой илмий меросини ўрганар эканмиз, уларда ёш авлодга диний илмлар билан бирга, ўзлари учун зарур бўлган замонавий билим ва кўникмаларни ўргатиб бориш ҳам ўта муҳим экани таъкидланади. Токи, улар ўз замонасидан ортада қолмасинлар. Ўз даври ютуқларидан ортада қолган халқ, албатта, қоқоқликка маҳкум. Буни биз мусулмон давлатлари бошига келган мустақимлашчилик, қашшоқлик ва жоҳиллик офатларидан ҳам билиб олсак бўлади. Зеро, Райфамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан “илмнинг эшиги” дея таърифланган Ҳазрат Али (к.в.) бежиз: “Фарзандларингизга ўзингиз яшаб турган замоннинг эмас, улар яшайдиган замонга муносиб илмни беринг. Зеро, улар сизлардан кейинги даврда яшайдилар”, деганлар.

Бироқ буғунга келиб, ҳолатлар ўзгарди. Мусулмонлар илмни бир-бирдан айро-икки йўл қилиб олди. Натижада мусулмон уммати ичидан дунё тараққиётига мутлақо беғона жоҳил мутаассиблар ҳамда бутун эътиборини фақат моддиятга қаратган, дин ва ахлоқ каби тушунчалардан узоқ бўлган, маънавий жиҳатдан тубан тоифалар пайдо бўлди.

Инсониятга табобат сирларини очиб берган Ибн Синони кофир, зиндик, деб тухмат қилган, замонавий астрономияга асос солган Улуғбекни сеҳр-жодуда айблаганлар ҳам илмдан бебаҳра, бурнингнинг пастидан нарисини кўра олмайдиган калтабин, мутаассиб ва жоҳиллар эди.

Бунинг оқибатида эса мусулмон халқлари орасида ўзаро ихтилоф, низо ва можа-ролар авж олди. Сийратга эмас, суратга берилган юзакилик тарафдорлари кўпайди. Қалб поклиги, ахлоқ, илмни биринчи ўринга қўйдиганлар таққиллашиб, инсонни кийимига қараб яхши-ёмонга ажратадиган “алломалар” тўлиб-тошди. Бу аянчли ҳолатдан усталик билан фойдаланган турли кучлар эса аслида ҳар соҳада дунёнинг пешқадами бўлиши лозим бўлган мусулмонларни ўз манфаатига етиш йўлидаги қурол ўлароқ, ҳар қўйга солдилар. Афсуски, бу каби иллатларнинг бир учи бизнинг диёримизга ҳам ўз соясини солди. Зеро, мустақилликнинг илк йилларида оз бўл-са-да, бизнинг замимиздан ҳам ўз Ватани, ота-онаси, халқини кофирга чиқариб, ер юзида қатл ва фасод ёйилишидан бошқа ишга “ҳисса” қўшмаётган, шу жирканч ҳолатини “жиҳод”, “шаҳидлик” каби олий тушунчалар билан хаспуллашга уринаётган жоҳиллар чиққани рост.

Бироқ, замимизнинг ҳамиша ўз эгалари, илмни ҳаётининг мазмунига айлан-тирган раҳнамолари бўлган. Давлатимиз раҳбари бошчилигида “Жаҳолатга қарши маърифат” шиори остида ёшларимизни ҳам диний, ҳам дунёвий билимга эга қомил авлод этиб тарбиялаш жамиятимиз ҳаётининг бош мезонига айланади.

Бугун юртимизда илмга эътибор юкори қўққига чиқди. Бу борада муҳим фармон-лар, қарор ва давлат дастурлари қабул қилинмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривож-лантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида ҳам юртимизда таълим сифати ва қамровини ошириш, улуғсиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодий эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш каби долзарб вазифалар белгилаб берилди. Шунингдек, фармонда илмий тадқиқот ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустақамлаш ва самардорлигини оши-риш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технология ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратишга ҳам алоҳида уруғ берилган.

Шубҳасиз, юртимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар, илм-фан ва замонавий технологияларни ривожлантиришга қаратаётган алоҳида эътибор эр-танги келажакимиз учун пойдевор вазифасини ўтайди. Айниқса, Президентимизнинг илм-фан билан шуғулланиш, янги кашфиёт ва ихтиролар қилиш игна билан қудуқ қазитишдек машаққатли иш экани ҳамда бу соҳага эътибор бериш доимо долзарб вазифа бўлиб қолиши ҳақидаги фикрлари таҳсинга сазовордир.

Юртимизда илм-фанга берилётган эътибор яқин келажакда ўз самарасини бе-риши шубҳасиз. Чунки тарихнинг қайсидир босқичида бирор-бир цивилизация ўз замонасининг энг илгори бўлган бўлса, бунга фақат ва фақат илм-фан борасида илгор-лиги эвазига эришган. Аксинча, қайсидир тамаддун ўз нуфузини йўқотиб, оқибатда бошқаларга муте бўлиб, инқирозга юз тутган бўлса, у ҳам ўша жамиятда илдиз отган жаҳолат оқибатида шундай аҳволга тушган. Шундай экан, қимларнингдир ногорасига ўйнаб, буюк зафарлар сари отланган халқимиз орасида фитнес қариқаришга уринаётган ғаламисларнинг найрангларига учмаган ҳолда ёшларимизни ҳар томонлама етук, маънавиятли, замонавий илмларда пешқадам қилиб воёга етказиш шу юрт тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Умид қиламизки, тарихда бутун дунёга устозлик қилган диёримиз тез орада яна шундай олий мартабани қўлга киритади.

Нуриймон АБУЛҲАСАН, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Дин ишлари бўйича қўмита раиси ўринбосари



Ўз мухбиримиз

Ёзувчилар уюшмасида

ХОТИРА — АБАДИЙ, ХОТИРА — МУҚАДДАС

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда халқимиз маънавияти ва маданиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўишган ёзувчи-шоирлар, зиёли илм-фан фойдаларини ва маънавий дарагаларининг хотира кечаларини ўтказиш аяна тусини олоди.

Дастлаб Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудига бағишланган “Дунёнинг ишлари” номли фотоқўرғазма ва хотира кечаси бўлиб ўтди. Адабиётшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, ёш ижодкорлар ҳамда талабалар иштирок этган мазкур тадбирда Ўткир Ҳошимов миллий адабиёт ва халқимиз маънавий ҳазинасига салмоқли ҳисса қўишган ижодкор экани алоҳида таъкидланди. Унинг “Пўлат чавандоз”, “Гунафша”, “Одамлар нима деркин...”, “Бир томчи шудринг”, “Баҳор қайтмайди”, “Ер фарзандимиз”, “Нур борки, соя бор”, “Дунёнинг ишлари” сингари кўплаб асарларидаги образларда халқ ҳаёти, она тимсоли гўзал тарзда тасвирланади. Айниқса, уруш йилларининг изтироблари ва дахшатлари бевосита жанг майдонида эмас, балки бир хонадон аъзоларининг аянчли қисмати ёки муштипар она сиймосида маҳорат билан гавдалантиришди.

Аслида адабиётга ошуфта инсонни қувонтириш ёки йиғлатиш мушкул ишки, буни ҳақиқий ижодкор-гина ундалади. Шу сабабданми, Ўткир Ҳошимов асарлари кириб бормаган хонадон йўқ. 70 йиллик умри давомида кўплаб тарихий воқеаларни бошидан кечирган, турфа инсонлар тақдирини кузатган, қарийб эллик йил ижод қилиб, сўзининг ифода қудратини теран ҳис этган ёзувчининг етмишдан ортиқ китоби бир қанча тилларга таржима қилинган.

Хотира кечасида ёзувчининг сафдошлари, шо-гирдлари, оила аъзолари ва китобхонлар сўзга чиқиб, ижодкор асарларидаги замон ва макон та-свири, сўз маҳорати ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

— Ўткир Ҳошимов билан кўп йиллар давомида бирга ишлаш, ижод қилиш насиб этган, — деди адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров. — У жуда

меҳнатқаш, тиниб-тинчимас, интилувчан инсон эди. Ёзган асарларининг оҳанграбоси ўқувчини ўзига тортаверарди. Шу сабабданми унга нисбатан халқ меҳри нақадар юксак эканлигига кўп бор гувоҳ бўлганман. Унинг бирок сатири эскирмагани бо-иси, мафкура тазйиқлари остида эмас, халқ қалбига қулоқ тутиб ижод қилгани, десак айни ҳақиқат. Ўтган асрнинг 60-йилларида унинг асарлари қандай қабул қилинган бўлса, ҳозир ҳам ўқувчи томонидан ўша соф муносабат ва муҳаббат билан қабул қилинмоқда. Олий ўқув юртининг 4-курсда ўқиб юрган кезлари ёзган “Чўл ҳавоси” асари китобхонларни, айниқса, атоқли ижодкорларнинг эътибор ва олқишига са-зovor бўлган эди.

Ёзувчи қатор чel эл адабларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Ўз қаламига мансуб “Муҳаббат”, “Деҳқоннинг бир куни”, “Урушнинг сўнгги курбони”, “Ўзбек иши” каби новеллари ўзбек ҳикоячилигида муҳим ҳодиса бўлди. Илк романи “Нур борки, соя бор” асарида ёзувчи ўзига замондош-тенгдош журналист Шерзоднинг кечинмалари орқали маънавий-ахлоқий масала-лар билан бирга ўткир ижтимоий муаммоларни кўтарган. “Икки эшик ораси”, “Тунда кечган умрлар” романида замондош-асрдош одамлар тақдирини, Иккинчи жаҳон уруши ҳамда мустабид тузумнинг мудҳиш сиёсати оқибатлари билан боғ-лиқ ҳолда таҳлил ва талқин этиш йўлидан борган. Унинг асарларида ўзбекона рух, феъл-атвор устун, баландпарвоз гаплар эмас, фақуллода меҳрга ташналик ҳисси улуғвор. Адибнинг “Менинг энг қимматли иккита асарим бор: бири ўғлим, бири қизим”, деган фикрларида оилага, фарзандларига меҳри ва садоқати яққол намоён бўлса, “Баҳор деворларнинг офтобурў этакларидан бошлан-майди... Баҳор ариқларнинг кунгай соҳилларидан бошланмайди. Баҳор қабристондан бошланади...” деган гўзал ташбеҳлари инсон умри мўътабар ва азизлиги ҳамда она табиатга меҳри ўзгачалигидан далолат беради.

Адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган “Дунёнинг ишлари” номли фотоқўрғазма барчада катта таас-

сурот қолдирди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов ижо-дида бағишланган фотоқўрғазма ва хотира кечаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Маданият вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан шоир-ёзувчилар, ада-биётшунослар ўзбек адабиёти ривожига салмоқли ҳисса қўишган ижодкор Неъмат Аминовнинг адабий мероси, асарлари мазмуни ва моҳиятан бугун ҳам долзарб аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Неъмат Аминов кириб борган давра доим кулгуга тўлиб-тошарди, — дейди ёзувчининг шо-гирди, таниқли ёзувчи Ашуралӣ Жўраев. — У киши ҳазил-мутойибани яхши кўрар, одамларга ҳам ўша кайфиятни юқтира оларди. Ёзган асарларининг қаҳрамонлари биз билан ёнма-ён яшади, эҳтимом ҳали ҳам ҳаётдир. Чунки Неъмат Аминов қаҳрамон-ларининг барчаси ҳаётдан олинган эди.

Неъмат Аминовнинг ўзбек адабиётига қўишган ҳиссаси ҳақида гапирилганда “Елғончи фаришта-лар” асари биринчи бўлиб тилга олинади. Асар яхлит бир мақсадга қаратилган “Елғизак” ва “Су-варак” қиссаларидан иборат. Унинг дастлабки ҳажвияси 1965 йилда “Устоз, аълам?” номи билан “Муштум” ойномасида босилиб чиққан. Адибнинг биринчи ҳикоялар тўплами — “Икки пуллик обрў”, мустақиллик йилларида ёзилган “Бир аср ҳикояти” асари, айниқса, муваффақиятли бўлди. Ёзувчининг ҳикоялари рус, украин, беларусь, тожик, туркман, озарбайжон, грузин, поляк, болгар, румин, чех, мўғул, афғон, уйғур, урду, қалмиқ тилларига тар-жима қилинган.

Тадбирда намойиш этилган фотосуратлар, адиб ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ лавҳалар, бадий асарлари иштирокчиларга ёзувчи ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишиш имконини берди.

Дилдаги гаплар

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ — МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ БУЛОҒИ

МИЛЛИЙ ОҒ, ДИНИЙ ВА ДУНЁВІЙ ҚАДРИЯТЛАР ҲАЗИНАСИ, ЁРУЛКИКА ЕТАКЛОВЧИ ОЙНА ВА ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗДИР

< Давоми. Бошланиши олдинги сонда.

— Орийлар деганда кимлар тушунилади ва уларга бизнинг қанчалик алоқамиз бор?

— Бу ҳақда "Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи" номли фундаментал асарининг VIII бобида таҳлиллар асосида батафсил маълумот берилган. "Орий" атамаси зардуштийликнинг муқаддас китоби "Авесто"да "арья" шаклида учрайди. "Арья" қадимги эроний тил лаҳжасида "озод", "эркин" деган маънони англатади. Бироқ у бронза ва илк темир, ҳатто антик даврлардаги ижтимоий табақга тегишли бўлиб, этник келиб чиқиши туркий тилли қабил ва златларга тақалади. "Авесто"да келтирилган ривоятларга кўра, орийлар жамоанинг жаҳонвор, эркин, озод, мулкдорлар тоифаси саналган ва "озодлар" ("азади"), яъни "орийлар" деб аталган. Улар яшаган юрт орийлар ватани, орийлар кенлиги (арийский простор), яъни "Арьянам Вайчақ" деб номланган. Бу юрт халқининг асосий бойлиги чорва — майда ва йирик шохли ҳайвонлар, отуяра ва қора молдан иборат бўлган. Уларнинг кундалик турмуш тарзи даш аҳолисига хос кўчманчи чорвачилик асосида қурилади.

Маълумки, чорвадан келадиган бойлик деҳқончиликка нисбатан жуда тез кўпайган. Чорвадорларнинг деҳқонларга нисбатан буюк бойлик кетишига чорвачиликда йилчиликнинг таркиб топши, яъни от, туя, ҳўки ва эшакдан транспорт воситаси сифатида фойдаланишга ўтиш асосий рол ўйнайди. Айна шу вақтда кўчманчи чорвачиликка ўтиш учун кенг имконият яратилади. Бу эса жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туб бурилиш ва ўзгаришлар юз беришига олиб келди. Ана шу туб ўзгаришларнинг меваси сифатида ибтидоий чорвадор жамоалари таркибидан ўнлаб, юзлаб отар мол-қўйга эга бўлган жамоа сардорлари, мулкдорлар етишиб чиқади.

Демак, орийлар Марказий Осиё чорвадор қабилаларнинг иқтисодий юксалишидаги кўчманчилик ҳаёт босқичининг ижтимоий маҳсули, уларнинг ташаббуслари ва табиироқ қатлами, тугилиб келётган дастлабки синфий жамиятнинг аслодалар тоифаси (табақаси) эди. Расмий тарихий манбаларда эса Евроосиёнинг чорвадор аҳолиси (Тонли Олтидан ташқари) бронза ва илк темир, ҳатто антик даврларда ҳам қадимги эроний тилларда гапланган, деган қараш ҳукмрон. Аммо қадимги Хитой эзма манбалари — иероглифларга улар прототуркий қабил ва уруғ жамоалари эканлиги ҳақида сўз боради. Шахсан ўзим кейинги қараш тарафдориман. Чунки, агар Евроосиёда ашқ аҳолиси эронзабон бўлганида, уларнинг авлодлари ушбу заминда исиз йўқ бўлиб кетмаган бўлар эди. Аксинча, бу жойларда туркий тилли халқлар ҳозиргача кенг кўламда яшаб келмоқда.

— Археологик қазилмалар пайтида тўсатдан Амурдёр, Далварзентепа хазиналари каби моддий ва маънавий қатта қийматга эга бўлган ноёв ашёлар топиладиган воқеаларга ҳам дуч келган бўлсангиз керак. Шулар ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз...

— Албатта, менга ҳам гарчи Амурдёр ёки Далварзентепа хазинасидак бўлмаса ҳам қийматбаҳо беэза ва тақинчоқлар топиш насиб этган. Уларни ўз вақтида ҳужжатлаштириб музейларга топширганми. Бироқ Сополитепа ва Жарқўтонда олиб борган археологик изланишларнинг илмий натижалари фан учун, Ўзбек халқининг узоқ ўтмиш тарихи ва маданияти, диний маънавиятининг бирламчи материаллари асосида ўрганиш учун улардан ҳам қийматлироқдир.

Қийматбаҳо хазиналар топиш ҳақида сўрадингиз. Шу ўринда 1963 йилнинг ёзда рўй берган бир топилма тарихи ҳақида гапирмоқчиман. Красноярск ГЭСи қурилиши муносабати билан 1963 йилда устоим профессор М.П.Грязнов тавсияси билан Ёнсей дарёси хазиналари сув остида қолиб кетиши мумкин бўлган археологик ёдгорликларни ўрганишга жалб этилдим. Менинг гуруҳимга Ёнсей дарёси бўйида, Новоселова қишлоғида жойлашган бронза даври чорвадор қабилалари қабристонини қазиб топширилди. Қабрлар тош плиталардан ясалган сағаналардан иборат экан. Асарият қабрлар қадимда ўғирланган бўлса-да, улар орасида ҳамж жихатидан энг қаттиқлигини ўқиб олиш — қопқоқ плити синмаган, факуллода бус-бутун бўлиб чиқди. Бундай ҳолларда гуруҳ бошлиғидан ўта эҳтиёткорлик талаб этилади. Тушки оқват пайти эди, ҳамма билан бирга, лагерьга атайлаб овқатлангани бормадим. Ёлғиз қолиб белкуржак дастаси билан қабр устига ёпиладиган қопқоқ — плити тошни қўтариб оқдим. Не кўз билан кўрайки, қабр ичида ётган скелет атрофи олтин предметларга қалашиб ётган экан. Қопқоқни ўз жойига қўйдим-да, қабр атрофига тўртта темир қоққоқ, тўрт томонига ип тортидим ва бир вазикан қорғозни тўртта бўлиб, уларга катта харфлар билан "чума" деб ёзиб қўйдим. Қабр устига эса брезентли чодир ўрнатиб, ўзимга ётоқхона ҳозирладим. Тушлиқдан қайтган ишчи ва хизматчилар "чума" дахшатида кўрқиб, менга яқинлашишга журъат қила олмади. Ён атрофдаги ҳар кун келадиган томошабинлар ҳам гуруҳга яқинлашмай қўйди. Қазиб ишларини вақтинча тўтатишга тўғри келди. Тегилли код орқали Иркутск шаҳрига хабар юбордим. Уч кун ўтгач, мутасадди одамлар вертолётда келиб, топилмалар билан мени ҳам Иркутскка олиб кетишди. Қабрдан топиладиган хазина жуда бой эди. Қўйма олтидан ясалган 12 та буюғи ҳайкали топилди. Уларнинг ҳар бири 800 граммдан кам бўлмаган. Менга топилмаларнинг умумий қийматидан 20 фоз пул мукофоти (5 минг рубль) теги. Уша кезларда "Победа" энгил автомобилнинг нархи 1600 рубль эди. Шундан сўнг бугу белгиси (ҳайкалчаси) ўрнатилган "Победа" машинаси ишлаб чиқарила бошлагани ҳали-ҳануз эсимда.

— Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти директори бўлиб ишлагансиз. Бундан ташқари, Фанлар академияси Президиуми аъзоси, Тарих, тил ва адабиёт шўъбаси мүддир бўлгансиз. Лекин шундай бўлса-да, кейинчалик сизни ишдан ноҳақ четлатишгани ҳақида эшитганимиз...



— Ҳа, бу 1998 йилда юз берган. 1970 йилда янги очилган археология институтига директор бўлиб тайинланганимда атиги фан номзоди эдим. Минг қийинчиликлар билан бўлса-да, институти оёққа тургазиш учун тиним билмай ишладим. Фанлар академияси Президиумида Археология институтига директор этиб тайинланганимдан кейин, Шароф Рашидов ҳузурига чақиринди. У киши: "Аҳмадали, ҳали ёшиз, сизга ғайрат бўлса-да, аммо иш тажрибаси етарли эмас. Менинг сизга насиҳатим, уч нарасада пок бўлинг, адашманг. Биринчиси, ишда адолат торозини маҳкам ушланг. Иккинчиси, нафс балосидан эҳтиёт бўлинг. Янги иш жойингизда ҳар хил найранглр уюштирилиши мумкин. Учинчиси, касбий предметда бошқаларга ибрат бўлишга интилинг, яъни ўз устингизда қаттиқ ишланг. Акс ҳолда издошлар топиш оғир кечади. Шу масалларда хўшёр бўлсангиз Ўзбекистон раҳбарияти сизни қўллаб-қувватладан ҳеч қачон воз кечмайдиган, деди.

Бутун иш фаолиятимда ана шу панд-насиҳатга қатъий амал қилдим. Ўсдим, улғайдим, илмий-ташкилий ишларда, археология фанини бошқаришда ҳар қандай қийинчиликларга бардош бериб, максат сари интилдим. Илмда кашфиётлар қилиб, муваффақиятларга эришдим, академик бўлгач, республика раҳбарияти тавсияси билан Самарқанддан Тошкентга қайтдим. Фанлар академияси Президиуми аъзоллигига сайландим, унинг таркибида Тарих, тил ва адабиёт фанлари йўналишини бошқардим. Бу вазифада ҳам ҳалол, виждонан ишладим. Менга ноҳақлик, лоқайдлик, ҳўшмад табиатдан эди. Айниқса, адолатсизликни кўрсам чидаб тура олмайман. Ҳалоллик ҳаёт мазмунига айланган. Ҳаёт эса нотекис — бу аста-секин пайд бера бошладим. 1995 йилдан бошлаб Фанлар академияси Президиуми мажлисларидаги танқидий чиқишларим барчага бирдай ёқиб тушди, дея олмайман.

Ўзбекистон Фанлар академиясига Япония элчихонаси томонидан мини типография соғва қилинган эди. Аммо ундан академия учун фойдаланишга академия Президенти ва унинг ана икки кўмакдоши қарши эканлигини эшитиб қолдим. Фанлар академияси бош илмий котиби эса уни зудлик билан ишга туширилишини талаб қилгани учун сунъий сиқувга олина бошлаган. Чунки, академия Президенти ва унинг ҳамтовоқлари режасига кўра, мини типографияни сотиб, пулни ўзлаштириш кўзда тутилган. Бундан хабар топгач, виждоний уйғоқ Президиум аъзолари илтимосига кўра, раҳбарини огоҳлантirmoқчи бўлдим. Лекин афсуски у киши ўғарлик қилиб, тўғри буткул тескари қийиб олди.

Шундан сўнг Фанлар академияси биринчи вице-президенти ҳузурига кириб, масалани кўнданалғ қўйдим. Агар ушбу типография Фанлар академияси маңфаати учун ишга туширилмас экан, бу ҳақда Япония элчихонасига хабар беришимни айтдим. Бундан хабар топган академия Президентининг жавобаси тутиб мени Президиумдан ҳайдаш сажнасини ишлаб чиқишдади. Унга кўра, менга "таъқиқланган тақшилотларга алоқадор" тамғасини босмоқчи бўлишди. Айбим: доимо чуст дўпписини қийиб юришим, спиртли ичимлик ичмаслигим, нос ёки тамкаи чекмаслигим. Бир кун академик ҳамкасбимиз вафот этганида унинг хонадонида марҳумнинг руҳига атаб, Президиум аъзолари тақлифига кўра Курьондан бир оғч ўқиб, тиловат қилдим. Ана шундан сўнг академик Аҳмадали Аскарнов Фанлар академияси Президиуми аъзоси, тарих, тил ва адабиёт фанлари бўлимининг раҳбари бўла туриб номоз ўқийди, деган "айб"ни ўйлаб топилган.

Ҳолбуки, академия Президиумининг ҳар бир аъзоси минг чийриқдан ўтади. Ҳуллас, ҳеч ким мени эшитмади ёки эшитидан кўрқиди, шекилли, тўрт йил ишсиз юрдим. Шундай бўлса-да, ҳеч кимнинг ҳузурига яқиниб бормадим, илмий ҳоҳид қилишда давом этдим. Менинг ҳаётим доимо меҳнатда, ҳақ йўлида курашда ўтди. Одамларга, ёшларга ёрдам беришдан чарчамадим. Ҳар қандай вазиятда ҳам рост гапни тик туриб гапиритидан чўчимадим. Бу менга устозлар Яхёв Фуломов, Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминов каби фан дарғаларидан оққан бўлса керак.

Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари бўлиб сайланиши, илк фаолиятимда тиним билмай мамлакатимиз тараққиёти, халқ фаровонлиги, фан ривожини йўлтироқ амалий ишлари менга янада жасорат, кўч-ғайрат ва шижоат бағишлади. Бироқ қандай бўлмасин, илм-фан равнақини йўлида хизмат қилиш мен учун ҳаёт мазмуни бўлиб қолавермади.

— Китобнингизда ўзбек менталитетининг нуксонлар ҳақида ҳам гапиргансиз. Бу нуксоннинг ўз тақдирингизга ҳам бирон-бир таъсири бўлганми?

— Менталитетимизнинг энг ёмон, жамият тараққиётининг эркин ривожланишига доимо тўғноқ бўлиб келётган салбий жиҳати, бу "лоқайдлик", "сен менга теғма, мен сenga тегмайман" ёки "бу менга тегишли эмас" деган иллатлардир. Лоқайдлик иллати тарихий аъналаримизга зид ўлароқ, ҳозирги кунда тобора илдиз отиб бормоқда. Менталитетимизда ҳар нарсасига йўл топиш, баҳона қидириш одам-

ларнинг қон-қонига сингиб кетган. Ўзбек менталитетига кўра, реал ҳаётда урф-одат ва диний адумлар устувор.

Менталитетимизга сингиб бораётган яна бир иллат — кейинги йилларда оила иқтисодиётида аёллар ўрнининг ортаётгани. Бу борада эркаклар ўз маънаини йўқотиб қўймоқда. Ваҳоланки, бу ажодларимиздан қолган ибратли аъналаримизнинг пайлом бўлишига олиб келади. Аллоҳга минг бор шукрона айтман, бундай нуксонлар тақдиримга ҳеч қандай таъсир ўтказмаган ва бундан кейин ҳам ўтказолмайди.

— Ўзбекистон тарихи фанида, археологияси соҳасида бугунги кундаги жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган ютуқлар борми ва улар асосан нималарга кўринади?

— Жуда ўринли савол. Инсон барча мавжудотдан нафақат ақли, балки иходдорлиги, табиироқлиги, яратувчанлиги, янгиликка интилувчанлиги билан тубдан фарқ қилади. Бу яратувчанлик ҳусусияти одамзодга Одам Атодан, фан тили билан айтганда "Homo sapiens" лардан бошланган. Унинг фанда тан олинган даврий санаси миллоддан аввалги 40-25 минг йилликларга тўғри келади. Инсон эоти ана шундан бери яхши яшаш ниятида оламшумул кашфиётлар билан банд.

Оламшумул археологик кашфиётлар Ўзбекистонда ҳам бўлган. Биринчидан, одамзоднинг илк ажодлари пайдо бўлиш муаммосининг илмий ечимиде Урта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудуди ҳам четда қолмаган. Фарғона водийси Сўх туманидан топиладиган (Селунгур гори) Фергантроп одами суякларини (бундан 1 миллион йил аввал), Тешкотош горида топиладиган (Сурхондарё вилояти) Неандертал боласининг скелети (бундан 100 минг йил аввал), Обираҳмат (Тошкент вилояти) горида топиладиган одам скелети (бундан 70-80 минг йил аввал), Самарқанддан топиладиган юқори палеолит даври одам суякларини (бундан 35-40 минг йил аввал) ва бошқалар Ўзбекистон ҳудуди илк бор одамзод пайдо бўлган минтақалардан бири эканлигини тасдиқлайди.

Иккинчидан, кейинги йилларда одамнинг пайдо бўлиши масаласида одамзод неандерталлардан Дарвиннинг эволюцион назарияси асосида ўсиб чиқмаган, "Homo sapiens" одами бундан миллион йил аввал Шарқий Африкада пайдо бўлган, 100 минг йил аввал эса Яқин Шарққа кириб келиб, ер юзи бўйлаб ақли одам тарқалган, "Зинжантроп, Синантроп авлодлари ҳисобланган неандерталлар эса одамзоднинг пайдо бўлиш шаҳарасида туپиковий звена бўлиб қирилиб кетди", деган илмий фараз ва концепция пайдо бўлди. Лекин 2004 йилда Обираҳматдан топиладиган қадимги одам бош чаноғида неандерталлар ва "Homo sapiens" ларга хос белгилар (суяк тузилишининг топилуши янги назарий фаразларни пучга чиқарди. Аммо Горанна дриопитеккага хос омил ва ҳусусиятлар (тиш тузилиши, оёқ-қўл суякларининг мўрт ва ички таркибидеги ари уяссисом тузилиш, одам боласини маймун ва ҳайвонлардан фарқли ўлароқ, юнгиш ва думсиз тузилиши, бош чаноқ ҳужайраларининг ижтимоий меҳнат ва оловда пишган овқатни истеъмол қилиши) одамзоднинг энг илк ибтидоси маймун бўлмаганлигидан далолат беради.

Одамзод ҳаётидаги туб сифат ўзгаришлардан яна бири суғорма деҳқончилик ва чорвачиликнинг кашф этилиши билан характерланади. Ер китасининг энг қадимги, бирламчи цивилизация ўчоқлари дастлаб қадимги Шарқда, Миср ва Месопотамияда, Ҳинд ва Хануку дарёсининг қўйи хазиналарида шаклланди. Бу қўнча тарих қадимги Шарқ цивилизацияси номини олган. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида — Сополитепа ва Жарқўтон ёдгорликлариде олиб борилган кенг қўламли археологик изланишлар Амурдөрнинг юқори ва ўрта хазаси қадимги Шарқ цивилизацияси ўчоқларидан бири бўлганлигини тасдиқлайди. Бу — оламшумул кашфиёт. Чунки фанда Урта Осиёга, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида илк шаҳарсозлик маданияти ва давлатчилик Эрон ақомийлари ва Искандар Вулқарнайнинг ҳарбий ўрашлари туфайли кириб келган, маҳаллий аҳоли эса сак чорвадорлари, массасет, даи ва тохарлар бўлиб, уларнинг ҳаёти кўчманчи чорвачиликтан иборат эди, деган тасаввур ҳукмрон эди. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудида олиб борилган тадқиқот натижалари бундай қарашларнинг асосиз эканлигини кўрсатди. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудида шаклланган цивилизация ўчоғи ўзбек халқининг ўтроқ деҳқончилик маданияти, ҳунармандликнинг қатор тармоқлари ўз тарихий илдизига эга эканлигини исботлади. Сополитепа ва Жарқўтондан топиладиган ашёлар асосида ўзбек давлатчилиги, илк шаҳар маданияти роса икки минг йилга, ипачилик, пахтачилик ва боғдорчилик ҳўжаликлари ҳам Ўзбекистонда камиде шунча йилга қадимийлаштирилди.

— Антик даврда бронза даврида асос солинган ўзбек давлатчилиги ҳудудлар бўйлаб кенг ёйилди ва юксак даражада ривожланди. Арамей алфавити асосида сугдий, хоразмий, боқтар ва сак эзувлари шаклланди. Антик давр давлатчилиги бронза даврида бошланган туб жойли маҳаллий давлатчилик аъналарига асосида шаклланди. Урта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудуди Шарқ иқтисодий, сиёсий, этномаданий ва диний-мафкуравий жиҳатдан боғлаб турган транзит савдо марказига айланган. Буюк ипақ йўлининг жанубий, марказий ва шимолий йўналишлари аниқланиб, улар бўйлаб барпо этилган юзлаб қадимги ва ўрта аср шаҳарлари очилди ва ўрганилди. Буларнинг барчаси, албатта, юртимизда олиб борилган кенг қўламли археологик илмий тадқиқотлар туфайли қўлга киритилди. Лекин Ўзбекистон ҳудуди археологик изланишлар олиб

боришда ҳали очилмаган кўриқ. Уларнинг юздан бири ҳам ҳали ўрганилмаган: ўз изланувчиларини кутмоқда.

— Аҳмадали ака, яхши биласиз, иқтисодиёт назариясига кўра, ўзини ўзи молиявий жиҳатдан оқламаган ҳар қандай амалий ишнинг келажоғи йўқ. Археологлар ҳам бирон-бир фойда келтирадими ёки фақат давлат бюджетига кўз тикиб ўтирадими?

— Тўғри, иқтисод назариясида ўзини ўзи оқламаган ишнинг келажоғи йўқ. Бу саволингиз билан археология ва тарих унга сарфланадиган пулни моддий бойлик сифатида давлатга қайтарадими ёки йўқ, демоқчисиз-да? Табировкорлар ва молиячиларга хос савол. Аммо унутмайлик, ижтимоий-гуманитар фанлар ёш авлодни, замондошларимизни мафкуравий, маънавий ва маърифий жиҳатдан тарбиялашга хизмат қилади. Бу фанларга нисбатан ҳаётий эҳтиёж кишилик жамиятининг барча даври ва босқичида катта бўлган. Жамиятни бузиз бошқариш мумкин бўлмаган. Маънавият сотилмайди, сотиб ҳам олинмайди. У одамзод онига, вужудига тарбия воситалари орқали сингдирилади. Ижтимоий-гуманитар фанлар, жумладан, тарих ва археология, шарқшунослик ва тил, этнография ва нумизматика, ёзув маданияти орқали ўтмишда ўтган буюк алломалар, илм-фан ва диний уламоларимиз кимлар бўлган, улар жаҳон цивилизацияси, маданиятига қандай хисса қўшганини биламиз, гуруҳланамиз ва маънавий озуқа оламиз. Шу боис ижтимоий-гуманитар фанларни доимо давлат ўз ҳимоясига олган, унга мулкдор ва сакхий инсонлар ҳомийлик қилган. Бу — тарихий ҳақиқат. Бунга истаганча мисоллар келтириш мумкин.

Археология институтида фаолият юритган чоғимда Афросиёбдан Александр Македонскийнинг ўта нозик ишланган олтин узунининг қийматбаҳо тошига ишланган портретини топиб олдим. Унда Искандар икки шохлик ҳолатда тасвирланган. Халқ орасида "Искандарнинг шохини бор", деган ривоят кенг тарқалганлигини ҳаммаимиз яхши биламиз. Шу пайтагача ҳеч ким, ҳеч қачон бундай ноёб қўзли узунни топмаган.

Сурхондарёдаги Фаёзтепадан мергели тошига ишланган Будда ҳайкалини топиб, уни вақтинча директор кабинетидеги сейф устиде сақладим. 219 килограммлик яхлит тошга ишланган бу ноёб топилмада муқаддас будда дарахти шохларидан ясалган гулчамбар билан безатилган арка остида Будда ҳайкали, унинг икки ёнида ипак мантияга ўралган бадибатвалар ҳайкали ишланган эди.

Афросиёбдан илк ўрта асрлар, яъни миллоддан аввалги IV-III асрларга тегишли фил суяғидан ишланган 12 дона шахмат (ашикрогги шотранж) тошлари топилган. Уларнинг ҳар бири бебаҳо ноёб топилмалар бўлиб, бир кун институтиимизга келган бадавлат хорижлик туристлар уларнинг ҳар бирини жуда қиймат баҳолагани ҳануз эсимда. Искандар расми туширилган ўзув кўзи 5 миллион, шахмат тошлари эса дунё мўқаддас ягона топилма бўлгани боис 10 миллион доллар атрофида баҳоладан. Бадавлат коллекционер Будда ҳайкали учун унинг оғирлигига нисбатан беш баробар кўп олтин беришга тайёр эканлигини, агар изн берса қўлидаги чекка ҳозирнинг ўзида имзо чекиб бериши мумкинлигини айтди. Уша онда, табийики, бир оз эсанкираб қолдим. Лекин дарҳол ўзимни қўлга олиб, улар бебаҳо халқ мулки экани ва сотилмаслигини айтдим. Бу хабар зудлик билан юқори идораларгача етиб борган. Уша кунде кечга яқин Тошкентдан масъуллар келиб, Будда ҳайкалини Тошкентга олиб кетди. Ана шу ноёб Будда ҳайкали ҳозиргача дунени беш марта айланиб чиқди — ундан келган даромаднинг қўлами беқиеъ. Қолган топилмалар эса Самарқанд санъат ва маданият музейига топширилди. Афсуски, кейинчалик Регистон атрофида жойлашган бу музей бузиб ташланди ва кўп ноёб топилмаларининг тақдирини мен учун ҳозиргача жумбоқ бўлиб қолмоқда.

— Кўнча Шох дарвозаларининг олтин калитлари, Далварзентепадан топиладиган олтинлар агар тарих музейларига қўйилса, юртимизга келадиган сайёҳлар янада кўпайрилади, деган ҳаёлга борсан киши...

— 1983 йилда Шароф Рашидов билан бўлган учрашувда Санк-Петербургдаги давлат Эрмитажининг олтин хазинаси ва Москвадаги "Алмазний фонд" музейлари каби Ўзбекистонда ҳам шундай музейни ташкил этиш тақлифини билдирдим. Бунинг учун Ўзбекистонда етарли қийматбаҳо археологик ва этнографик материаллар мавжудлигини асослаб бердим. Бу тақлиф республика раҳбарига маъқул келди. Олтин, қумуш ва қийматбаҳо рангли тошлардан ясалган археологик ва этнографик санъат асарлари (топилмалари) рўйхатини тузиш ва уларни қайси музей фондлари ва илмий-тадқиқот институтларида сақлаш бўйича республика комиссияси тузилиб, менга унга раислик қилиш топширилди. Топширик ўз вақтида бажарилди. Аммо Шароф Рашидовнинг бевақт ўлими ўша йил республика "Олтин хазина" музейини очишга имкон бермади. Келгуси давлатлик республиканинги янги раҳбари топшириғи билан Тошкент шаҳар марказида жойлашган "Пионерлар саройи" биносида музей очилди. Музей 1994 йилга қадар ишлади. Уша йили "Олтин хазина" музейини Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ертўласида очишга эришилган бўлса-да, лекин у амалга оширилмасдан қолди. Шундан сўнг музей ёпилиб, унинг бой коллекцияси жумладан, Далварзентепа олтинлари ҳам давлат банкининг мақсуд хоналарига ҳамон қаттиқ назорат остида сақланиб келинмоқда. Албатта, агар "Олтин хазина" музейи учун мақсуд бино қурилиб, ишга туширилса, бу билан ҳам ички, ҳам ташқи туризм ривожига катта хисса қўшилган бўларди.

— Сиз катта кашфиётлар қилган, салмоқли китоблар ёзган олимсиз. Сўхбат уюштириш учун сизга бир неча бор қўнғиқор қилдим: бир марта Хитойда, иккинчи бор Фарғона водийсида, яна бирида Сурхондарёда юрибди, деган жавобини олдим. Сизни шу ёшда бундай тиним-

сиз фаолият юритишга нима мажбур қилапти?

— Очиги, бир шахс ёки зиёли инсон сифатида ён-атрофга бир назар ташланг: кейинги икки йил ичида давлатимиз раҳбарининг шижоату жасорати, ишбилармон тадбиркорлиги билан мамлакатда, ҳар бир жаҳода қандай туб ўзгаришлар юз бераётми! Меҳнаткаш халқимизнинг асрий орзу-умидлари рўйбега чиқаётган экан, буларга бефарқ қараб туриш мумкинми, ахир?! Жавоб шуки, виждоний уйғоқ инсонлар бунга бефарқ бўла олмайди. Киндик қоним тўкилган Ўзбекистоним, Ўзбек халқи олдидаги фарзандлик бурчим, виждоним ишлашга мажбур қилар экан, "кексалик ёшига етдим, энди ишлашни бас қилай", деган шижоатим йўқ. Она юртимизда рўй бераётган туб ўзгаришларга кичик бўлса ҳам ўз хиссамни қўшсам, кимгадир фойдам теғса, дарди-дари маълум бўлсам дейман. Қолаверса, ҳаракатсиз тана кексайганда тез ишдан чиқиши мумкин. Белда қувватим, ақл-ҳўшим жойида, соғлом эканман бефарқ қараб тура олмайман. Эл ташвиши — менинг ташвишим. Агар ҳаммаимиз шундай фикрласак, меҳнат қилсак, мушаккаб Ўзбекистонимиз янада тез ривожланиши, шўбасиз.

— Оруз ёхуд армонларингиз борми?

— Мабодо агар ёшлик даврига қайтсам, шўбасиз, яна археолог-тарихчи, халқим маданият мери сини ўрганишни танлаган бўлар эдим. Биз кексалар собик совет даврида улғайдик, не-не машаққатларни бошдан кечирдик. Аммо, афсуски, бор имкониятни рус тилини ўрганишга, ўзлаштиришга йўналтирдиг-у, бошқа хорижий тилларга кам эътибор қаратдик. Бу — менинг оғузим, армонимнинг ушалмас парчаси бўлиб қолган. Касбимдан холимайман — археологик изланишларим туфайли фан оламида ўз ўрнини топиб.

Археология бу ҳар лаҳзада янгиликка чорловчи, фикрни чорловчи, маънавий мукамалликка етакловчи, инсонни ҳар қандай турмуш иқир-чикирларини унутиб, руҳий тетикликка ундовчи фан ва мен ўз ҳаётимда бунга бир неча бор синиб кўрдим. Айниқса, дала амалиёти вақтида очик ҳавода, изланишлар билан машғул бўласан, барчасини унутиб, янгилик қидирсан, янги гоғлар уммониде сузсан. Ҳар бир янги топилма сента чексиз кувонч бағишлайди, руҳан тетиклаштиради, кунинг мазмуни ултади, олға интилиб чарчокчи бўлмайсан. У сени келажикга ишончи билан боқишга ўргатади. Энг муҳими, археолог рисоладагидек ҳаёт кечирса, спиртли ичимликдан, тамаки чекишдан тийилса, умри давомида касаллик нималигини билмайди. Бунга менинг ҳаётим мисол.

— Халқимиз азал-азалдан китобни севаган, қадрлаган. "Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи" китобингиз яқинда рус тилида ҳам чоп этилди. Агар адашмасам унга "Қишлоққурилишбанк" хомийлик қилди. Демак, юртимизда китобнинг қадрини биладиган корхоналар, ишбилармонлар кўпаймоқда, шундай эмасми?

— Китобни ўзимнинг хисобимдан рус тилига ўғиртириб, чоп этишга тайёр қилиб қўйганимга икки йил бўлиб қолган эди. Бироқ қоғоз нархининг кескин ошиб кетиши, типография харажатларининг кўтарилиши уни чоп этиришга имкон бермади. Шу вақт ичида ҳомий топиш илинжида — китобнинг маънавият ва тарихимизнинг туб моҳиятини тушуниб етишдаги илмий қиймати ҳусусида бир неча табировкорлар доирасида гапирдим. Ният ҳолис экан, ниҳоят мақсадга эришдик.

"Қишлоққурилишбанк" ва унинг 40дан зиёд филиалларида бўлиб ўтган маънавий-маърифий тадбирларда фаол қатнашардим. Бир кун "Қишлоққурилишбанк" раҳбарияти менга "Аҳмадали ака, сиз жамоамизнинг тўлақонли ходимидан кам фаолият олиб бормаяпсиз. Биз "Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи" асарини ўқиб, Ўзбеклар кимларнинг авлоди эканини англаб етдик. Бу барча ҳамкасбларимизнинг фикри. Ақсарият дўстларимиз китобда кўтаришган янги

Бизнинг шарҳ

ЮКСАК БИЛИМ ВА ТАФАККУР СОҲИБЛАРИ

2018 ЙИЛГИ НОБЕЛЬ МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ НОМИ МАЪЛУМ БҮЛДИ

“Яхши ҳурмат-этибор тоза кўйлакка қараганда муҳимроқдир. Кўйлакни ювиши мумкин, лекин шағнингга тушган доғни кетқизиши мушкул”, деган эди буюк швед олими Альфред Нобель. Ана шу ҳаётининг мезонга ўзи ҳам қатъий амал қилган бу инсон умри давомида ўз ҳаёти ва фаолияти билан одамларнинг ҳурмати ва эътиборини қозона олди.



Илм-фан соҳасига беқиёс ҳисса қўшган швейциялик олими Альфред Нобель 1896 йилнинг 10 декабрида вафот этган, васиятига кўра, унинг ўз номида ва маблағи асосида жамғарма ташкил этилди. Нобель мукофоти 1901 йилдан ҳар йили мазкур жамғармага келиб тушадиган даромад беш қисмга тенг тақсимланиб, ирқи, миллати, жинси ва динидан қатъи назар, физика, кимё, физиология ёки тиббиёт соҳасидаги кашфиётлар, бадий асарлар, халқлар дўстлиги ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолият учун берилган бошланди. 1968 йилда Швеция давлат банки ўзининг 300 йиллиги муносабати билан иқтисодий соҳасидаги ютуқлар учун берилган Нобель мукофотини ҳам таъсис этди. Мазкур мукофот ҳам худди шу тартибда топширилади. Фақат ҳар ражатлар давлат банки ҳисобидан қўпланади. Мукофот олимнинг тасвири туширилган олтин медаль, диплом ва миқдори Нобель жамғармасидаги даромадга боғлиқ бўлган маблағдан иборат. Альфред Нобелнинг васиятига кўра, мукофот совриндорларини аниқлаш ва эълон қилиш вазифаси Стокгольмдаги Қиролик фанлар академияси (физика, кимё, иқтисод бўйича), Қиролик тиббиёт-жарроҳлик институти (физиология ёки тиббиёт бўйича) ва Швеция академияси (бадий асарлар бўйича) зиммасига юкланган. Тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолият учун Нобель мукофотини Норвегия парламентининг Нобель кўмитаси аъзолари топширади.

Нобель жамғармасининг низомига мувофиқ, мукофот ташкилотлар эмас, балки алоҳида шахсларга берилди. Тинчлик йў-

лидаги Нобель мукофоти бундан мустасно бўлиб, у алоҳида шахсларга ҳам, ташкилотларга ҳам топширилиши мумкин. Низомга мувофиқ, бир йўналиш бўйича бирданга уч киши ҳам мукофотланади. Бундан унинг пули тенг тақсимланади. Нобель мукофоти вафот этган инсонларга берилмайди. Номзодлар сентябрь ойидан бошлаб кейинги йилнинг 31 январига қадар тақдим қилиниши керак.

Ҳар йили октябрь ойида дунё жамоатчилиги эътибори Стокгольм ҳамда Осло шаҳарларига қаратилади. Сабаби — мазкур шаҳарларда навбатдаги мукофот совриндорларининг номи эълон қилинади. Бу йил ҳам аёнича мувофиқ октябрь ойида Стокгольм ҳамда Осло шаҳарларида Нобель ҳафталиги бўлиб ўтди. Одатта кўра, ҳафталик давомида физика, кимё, тиббиёт, иқтисод ва тинчлик йўналишлари бўйича Нобель мукофоти сазовор бўлганларнинг номлари эълон қилинди.

Жорий йилнинг октябрь ойи дастлабки куниди физиология ҳамда тиббиёт йўналишидаги мукофот олибларини аниқлади. Мазкур соҳада Нобель мукофоти жорий йилда рақ терапияси соҳасида тадқиқотлар олиб борган АҚШлик Жеймс Пи Эллисон ҳамда япониялик Тацуку Хонжога берилди. Қайд этиш кераки, тиббиёт бўйича мукофотни одатда 109 йил давомида бир неча олимлардан иборат номзодлар қўлга киритиб келган. Утган йили мазкур йўналишдаги Нобель мукофоти циркад ритмларга масъул молекуллар механизми борасидаги тадқиқотлари учун АҚШлик олимлар Жеффри Холл, Майкл Росбаш ва Майкл Янг сазовор бўлган.

Швеция Қиролик фанлар академияси

Нобель мукофотининг 2018 йилги кимё йўналиши бўйича совриндорлари номини эълон қилди. Мукофотга АҚШлик олимлар Фрэнсис Арнольд, Жорж Смит ва британиялик Грегори Винтер сазовор бўлди. Уларга ушбу мукофот кимёвий реакцияларни тезлаштирувчи янги ферментларни яратиш устида олиб борган изланишлари учун берилди. Утган йили унга швейцариялик Жак Дюбоше, АҚШлик Йоахим Франк ва британиялик Ричард Хендерсон суоқликдаги молекулалар тузилмасини юқори ўлчамда аниқлаш имконини берадиган криоэлектрон микроскопни ишлаб чиққани учун лойиқ қўрилган.

Бу йил физика йўналишидаги Нобель мукофоти лазер физикаси соҳасидаги тадқиқотлари учун АҚШлик Артур Эшкин, франциялик Жерар Муру ва канадалик Донна Стриклендга топширилди. Утган йили физика йўналишидаги Нобель мукофоти гравитацион тўлқинлар устида олиб борилган қузатувлар учун АҚШ олимлари — Кип Торн, Райнер Вайсс ва Барри Бэриш сазовор бўлган. Улар LIGO детекторлари ёрдамида гравитацион тўлқинларни аниқлаган.

АҚШлик олимлар Уильям Нордхаус ва Пол Ромер жорий йилда иқтисодий йўналиш бўйича Нобель мукофоти лойиқ деб топилди.

77 ёшли Нордхаус унга иқлим ўзгаришларини узоқ муддатли макроиқтисодий таҳлилга интеграциялаштиргани, 62 ёшли Ромер эса технология инновациялар интеграцияси учун сазовор бўлди.

Йель университетиди таҳсил олган Нордхаус 1967 йилдан буён мазкур олий ўқув юртида ишлабди. У Америка иқтисодий уюшмасининг фахрий аъзоси. Ромер эса 2016–2018 йилларда Жаҳон банкининг бош иқтисодчиси бўлган. Айни пайтда Нью-Йорк университети бизнес мактабининг иқтисодий фани профессори.

Утган йили иқтисод йўналишидаги Нобель мукофоти “хулқ-атвор иқтисодиёти”ни ўрганишга қўшган ҳиссаси учун” америкалик олим Ричард Талерга насиб этган эди.

Тинчлик бўйича Нобель мукофоти Конго Демократик Республикаси фуқароси шифокор Дени Муквеге ва ироқлик Надя Мурад сазовор бўлди.

Бу жуфтлик мукофотга “уруш, қуролли тўқнашувлар ва зўравонликни тўхтатишга қаратилган саъй-ҳаракатлари учун” лойиқ топилди. 63 яшар гинеколог Дени Муквеге ўз ҳаётига таҳдидларга қарамай, Конго Демократик Республикасида минглаб зўравонлик қурбонларини даволаган. У бир неча бор Нобель мукофоти учун номзод қилиб кўрсатилди. 2008 йилда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари

бўйича ва бир қанча бошқа нуфузли мукофотларни қўлга киритди.

25 ёшли Мурад хоним эса 2014 йилда Шимолий Ироқдаги жангарилар томонидан ўғирлаб кетилгандан сўнг, уруш жиноятлари “қурбони” бўлди. Икки йил ўтгандан сўнг у жангарилар қўлидан озод этилган, одам савдосидан жабрланганлар учун БМТнинг биринчи яхши ният элчиси бўлди. Надя Мурад зўравонлик оқибатида жабрланган 3 мингга яқин қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун кенг қўламли саъй-ҳаракатлар олиб борди.

“Дени Муквеге — ҳаётини жабрланганларни ҳимоя қилиш учун бағишлаган инсон, Надя Мурад эса ўзи ва бошқаларга нисбатан содир этилган жиноятларга қарши кураша олган аёл”, дея таъкидлади Норвегия Нобель кўмитаси.

Утган йили тинчлик бўйича Нобель мукофоти International Campaign to Abolish Nuclear Weapons, ICAN (Ядро қуролини таъқиқлаш бўйича халқаро компания) сазовор бўлган эди. У бунга “ядровий қуролдан фойдаланишнинг ҳалокатли гуманитар оқибатларига эътибор қаратиш бўйича амалга оширган ишлари” учун муносиб қўрилган.

Дарвоқе, оддий одамлар наздида қўл етмас бўлиб кўринувчи бундай нуфузли ташкилотларда қўрилмаган воқеалар ҳам содир бўлиб туради. Бунга Швеция академияси (бадий асарлар бўйича)да юзага келган машина ҳамда унинг бир неча доимий аъзосининг ўз вазифасини тарк этиши мисол бўла олади. Бунинг оқибатида бу йил адабиёт бўйича Нобель мукофоти ҳеч кимга берилмади. Утган йили эса келиб чиқishi япониялик бўлган британиялик ёзувчи Кадуо Исигуро адабиёт йўналиши бўйича Нобель мукофоти “ўз романларида борлиқ билан алоқалар ҳақидаги хомхаёл ҳиссиётлар ортда яширинган тубсингликни фаройиб эмоционал куч билан очиб бергани учун” муносиб қўрилган эди.

Мукофотланганларни тақдирлаш маросими шу йилнинг 10 декабрида — Альфред Нобель вафот этган санада Швециянинг Стокгольм ҳамда Норвегиянинг Осло шаҳарларида ўтказилади. Олти мукофот ичидан фақат тинчликни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун берилган мукофот Стокгольмда эмас, Осло шаҳрида тақдим этилади. Ўша кунда совриндорлар мукофот таъсисчиси — Нобелнинг тасвири туширилган олтин медаль, диплом ҳамда 9 миллион швед кронаси (940 минг долларга яқин)га тенг пул мукофоти билан тақдирланади.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
халқаро шарҳловчи



ОКЕАН СУВИНИ ТАБИЙ ЧУЧУКЛАШТИРУВЧИ ОРОЛ




Тинч океанининг шарқий қисмида Жанубий Америка қитъасидан 3 миң километр узоқликда жойлашган Пасха оролида қўл ёки дарё мутлақо бўлмагани боис у ернинг қадимги аҳолиси тоза ичимлик сувини қардан олгани узоқ йиллар сир бўлиб келган. Яқинда америкалик олимлар оролда яшаган қадимий одамлар қандай қилиб океандан чучук сув олишганини аниқлади.

Тадқиқот муаллифларидан бири — Пасха оролининг қадимий аҳолиси — рапануиларни 20 йилдан буён ўрганиб келадиган Карла Липонинг Бингемтон университети сайтида ёзишича, оролдаги серғовак вулқон тупроғи ёмғир сувини ўзига ютиб юборгани боис кичик қўлмақлар одамларни етарлича сув билан таъминлай олмас эди. Мутахассислар океан соҳилидаги туз таркибини ўрганиб чиқишди ва у истеъмолга яроқли, деган хулосага келди.

Ероти сувлари океанга бориб қўшилади. Чучук сув тўлқинлар таъсирида дарёга бориб қўйилади. Натижада одамлар бу манбадан ичимлик суви олиши мумкин бўлган. Буни XVIII аср тадқиқотчиларининг маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Уларда рапануилар дарё сувидан истеъмол қилгани ҳақи-

да маълумотлар бор.

КОИНОТДА НООДАТИЙ ПОРТЛАШ



Халқаро астрономлар гуруҳи юлдузлар портлаши арафасида ташқи қобиқдан маҳрум бўлган ноодатий янги юлдузни аниқлади. Бу ҳодисанинг сабаби унга яқин турган нейтрон юлдуз бўлиши мумкин. Чунки у атрофдаги юлдузларнинг энергиясини ўзига ютган. Тадқиқотчиларнинг сўзларига кўра, бу кашфиёт икки нейтрон юлдузлардан тизимли механизм шаклланишини тушунишга ёрдам беради. Бу ҳақида “Science News” наири хабар берди.

Ердан 930 миллион ёруғлик йили узоқда жойлашган янги юлдуз “iPTF 14gqr” АҚШдаги Паломарск обсерваториясида “Palomar Transient Factory” кенгбурчакли автоматик тизим воситасида 2014 йилнинг октябрь ойида аниқланган эди. У бошқа янги юлдузлардан чакнаш нури етти кун ўтиб сўнгани билан фарқланади. Одатда бундай объектлар 17–20 кун атрофида чакнаб туради. Ташқи қатлам ядродан ажралиши оқибатида содир бўлган портлашдан катта энергия ажралиб чиққани ва юлдузлараро бўшлиққа тарқалади.

“iPTF 14gqr” қуёшдан 10 барабар йирик бўлишига қарамай энергия жуда оз ажралиб чиққан, яъни қуёш огирлигининг бешдан бир қисми микродорида бўлган. Бу унинг портлашгача энергиясининг катта қисмини йўқотиб бўлганини англатади. Бундай ҳолат яқин атрофда портлашдан ажралиб чиқадиган энергияни ўзига тортувчи нейтрон юлдуз ёки қора туйнук мавжуд бўлсагина рўй бериши мумкин.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Рангин дунё

БАЛАНДЛИҚДА ЖОЙЛАШГАН НОЁБ ҒОР



Проходна — Болгариядаги энг баланд ғор. Искир дарёси водийсидаги Карлуково қишлоғидан икки километр узоқликда жойлашган. Мазкур ғор Искир-Панега геопаркиннинг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Ғорнинг ўзига хос эҳсонлари билан бири — узунлиги 262 метр, кенглиги 15–25 метр бўлган табиий қоя кўприкка эгаллидир. Унинг иккита — катта ва кичик кириш жойи бор. Катта кириш жойининг баландлиги 45 метр бўлиб, у экстремал спортчилар учун сеvimли масканлардан саналади. Бундан ташқари, ушбу ғор альпинистлар орасида ҳам машҳур. Проходна атрофда Болгариядаги энг қийин спорт йўллари билан бири ўтказилган.

Ғорнинг ўзига хослиги — қоядаги иккита йирик ёриқнинг инсон кўзини эса солиши. Бу тешиклар ғорда табиий ёруғликни таъминлайди ва ўзининг ўта текислиги билан сайёҳларни қизиқтира олади. Унинг бор жозибаси, айниқса, ёмғирли об-ҳаво шароитида намоен бўлади: унда оқаётган ёмғир сувлари, ҳақиқий кўз ёши ёдга солади.

1953 йилда ғордан узоқ бўлмаган худуддан “Луковит хазинаси” топилгани боис Искир дарёси атрофида тез-тез хазина

изловчиларга ҳам дуч келиш мумкин. Проходна ғорининг ёнида қоялар орасида шинан ғор уйча ҳам жойлашган. Ғор уй чиндан ҳам ноёб. У қоя тошлардан қурилган бўлиб, парвоз қилаётган қўшга ўхшаб кетади. Бу уйда тунаб қолиш ҳам мумкин. Фақат олдиндан банд қилиб қўйиш зарурати борлиги бу жойнинг талабгорлари кўплигини англатади. Унинг ойнасидан Искир дарёси водийси ва ғорнинг ажойиб манзараси кафтеқ кўриниб туради. Ғор уй ва Проходна ғори Болгариянинг энг саёхатбоп объектлар рўйхатининг юзталимига киритилган.

Проходна ғори сайёҳлар учун йил бўйи очик. Фақат киш мавсумида ғор тепасида улкан муз пайдо бўлиши сабаб у ерга бориш хавфли. Бу фаройиб маскан нафақат туристлар, экстремал спорт шинавандалари ёки хазина изловчилар, балки кинорежиссерларни ҳам ўзига жалб қила олган. Бу ерда бир қанча кинофильмлар суратга олинган, хусусан, Болгария тарихига бағишланган “Време разделно” (“Ажратилган вақт”), дастлабки одамлар ҳақидаги француз киноси — “Последний неандерталец” (“Сўнгги неандертал”), Россия киноижодкорларининг “В поисках капитана Гранта” (“Капитан Грантнинг қидириб”) ва “Турецкий гамбит” (“Туркча гамбит”) фильмлари шулар

жумласидан. 1962 йилда ғорга табиий сайёҳлик маскани мақоми берилган.

Мутахассисларнинг айтишича, ғорнинг юқори қисмидаги тешиклар сув сизishi ва тошларнинг емирилиши сабаб бундан 66–68 миллион йил аввал пайдо бўлган. Тарихда Искир дарёсининг суви ғорни тўлдирган. Кейинчалик сув орта чекинган, сейсмик фаоллик сабаб сув ва ғор ўртаси тўсилиб қолган. Шундан кейин ғор алоҳида шаклланган. Ғор ёриқ ва оқ рангдаги, йирик ҳамда оғир вазнга эга органиген оҳақтошдан иборат. Тоғ жисмларининг қалинлиги 10–50 метрга етади.

Проходна ғори ҳақида оммабоп журналларда мақолалар чоп этилган. 2008 йилда геолог талабаларнинг экспедицияси вақтида Болгариядаги геологик ҳодисалар рўйхатга олиниши натижасида ғор миллий аҳамиятга эга “геотоп” деб баҳоланган. Археологларнинг сўзларига қараганда, қадимда ғор маҳаллий аҳоли учун турли йиғинлар ўтказиладиган жой вазифасини ўтаган. Айниқса, ҳар йили 21 март кун, яъни ғорнинг юқорисидида тешиклардан қуёш нури муайян бурчак остида тушганида ҳосилдорлик байрами ўтказилган.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

“ЗАРУР КАСБ, АММО ЗАРУРАТИ БЎЛМАСА ЯНАДА ЯХШИ”

ПРОФЕССОР ЎЗ СОҲАСИДА БИРОРТА ҲАМ ШОГИРД ТАЙЁРЛАЙ ОЛМАГАНИНИ АФСУС БИЛАН ГАПИРДИ. НЕГА?

< Давоми. Бошланishi 1-бетда.

— Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ушбу соҳани ривожлантириш, уни тубдан ислоҳ қилишга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Бу борада бирламчи тиббиёт хизмати, шотилинчи ва тез тиббий ёрдам, ихтисослаштирилган тиббий хизмат, хусусий тиббиёт, аҳолининг репродуктив саломатлигини асраш каби йўналишлар устувор вазифа қилиб белгиланган. Сиз ҳам олим, ҳам амалиётчи шифокор сифатида соҳада олиб борилаётган ислохотлар самаралари хусусида ўз фаолиятингиз мисолида тўхталсангиз.

— Дарҳақиқат, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг соҳани янги bosқичда ислоҳ қилишга йўналтирилган фармон ва қарорлари, соҳа вакиллари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишлари тизимдаги ҳақиқий аҳвол қай даражада экани, одамларни қийнаб келадиган масалаларни чуқур таҳлил қилиш имконини яратди. Пировардида соғлиқни сақлаш тизимини сифат жиҳатдан янги bosқичга кўтариш, тиббиётни халққа яқин қилиш масаласи кун тартибидан ўрин олди. Ушбу хужжатлар мамлакатимизда, айниқса, вилоят ва туманлар даражасида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан

кайта тайёрлашда кенг имконият яратди. Сўнгги икки йил ичида мен салкам қирқ йилдан бери ишлаб келадиган ихтисослаштирилган дермато-венерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказида соч экиш, аутомеланоцитар трансплантация, яъни терини қайта тиклаш муолажалари амалиётга кенг татбиқ этила бошланди. Бир сўз билан айтганда, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар фуқароларнинг замонавий тиббий хизматларга, дори-дармонлар билан таъминланишига бўлган имкониятларини кенгайтирди, шунингдек, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлиги яхшиланишига олиб келди.

— Қонунчилик палатаси депутатларининг жойларга чиқиш ўрганишлари довомида мамлакатимизнинг олис ҳудудларида кўплаб шифокор-мутахассислар етишмаслиги маълум бўлди. Бунинг асл сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

— Буни узоққа бормасдан, ўзимнинг ҳаётим мисолида айтиб берай. Гап шундаки, Тошкент вилоятининг энг чекка ҳудудида туғилиб, вояга етганман. Қишлоқ мактабида ўқидим. Отанимнинг ҳам, онамининг ҳам саводи бўлмаган. Лекин отам биз — фарзандларини каттиқ назорат қилар, “яхши ўқи”, деган гапни кўп қайтарар, пастроқ баҳо олсак, нима учун “беш” эмас “тўрт” баҳо олдинг, деб

хеч қандай устоз кўрмай ёки тўғаракка бормай мустақил ўрганган экан. Қаранг, оғир пайтда бизнинг қоримизга яраган ўша ўспирин ҳозирда нуфузли олий таълим даргоҳида етук олим ва мутахассис сифатида фаолият юритмоқда...

Энди, шу ўринда, ўғил-қизларимизнинг дунёни англаши, илм-фан сирларини пухта ўзлаштириши, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши нималарга боғлиқлиги хусусида ўзимнинг айрим кузатишларимни келтириб ўтсам.

Биринчидан, ҳар бир инсон оилада камолга етади. Унинг келажақда қандай инсон бўлиб етишиши шу оиладаги муҳитга ҳар жиҳатдан боғлиқ. Бу борада она шахси, унинг фарзанд тарбиясидаги роли улкан аҳамиятга эга. Қайҳовуснинг “Қобуснома” асаридида шундай жумлалар бор: “Фарзанда адаб, ҳунар ўргатмакни мерос деб билғил. Агар сен унга хоҳ адаб ўргатғил, хоҳ ўргатмағил турмуш машаққатларининг ўзи унга ўргатар. Ундоким дебдурлар, фарзандни отана тарбияламаса, кеча ва кундуз уни тарбиялайди”.

Иккинчидан, интеллектуал салоҳиятли ёш авлод тарбияси ўқитувчи зиммасига катта масъулият юклайди. Зеро, ўқитувчи ўқувчиларини фанга ижодкорлик ракурси билан қарашга ўргатиши, уларда илмувчанлик фазилатини шакллантириши керак. Яна бир гап. Интерфаол метод ва усуллар ўқувчида коммуникатив қобилиятининг

миллион аҳоли орасидан йилга битта бўлса ҳам бундай бемор учрамаётгани тизимдаги илмий изланишлар аҳамияти, даволашнинг истиқболли усуллари ишлаб чиқилгани ва ривожлантирилаётгани натижаси, десак адашмаган бўлаемиз. Қолғуки, ҳеч қайси мамлакатда ҳали бундай кўрсаткичга эришилмаган.

Дунёнинг етакчи клиникалари билан ўзаро тажриба алмашиш мақсадида кўп бора хориж сафарларида бўлишга тўғри келди. У ерларда маъруза ва тақдиротлар билан чекланиб қолмасдан беморлар билан учрашдим. Уй шароити билан танишиб касаллик пайдо бўлишининг асл сабаб-моҳиятини ўрганишга, аниқлашга интилдим. Кўрган-кечирганларим, хорижлик мутахассислар фикрлари, ўзимнинг хулосаларим илмий ишлар, рисола ва мақолаларда акс этди.

Бу ишларнинг маҳсулини кўриб қувонсам-да, лекин рост гап, ўз йўналишимда ёш мутахассислар тайёрлай олмаганим армон бўлиб қолмоқда. Бойси, ёшлар лепрологияни очикдан-очик инкор қилишадилар. Тўғри, лепрология кеча ҳам, бугун ҳам бойлик ёки мол-дунё келтирадиган соҳа бўлмаган. Қолаверса, айни пайтда бу касалликка чалинган санокли бемор қолган ва уларнинг асосий қисмини 60-80 ёшдан ошганлар ташкил қилади. Насиб этса, моҳов билан касалланишни спорадик ҳолатга тушириш ва илдинишни буткул қуритиш ния-

— Шифокорлик болаликдаги орзуингизми ёки...

— Юқорида ҳам айтдим, авлодимизда шифокор бўлмаган. Бир куни автобуста Тошкентдан уйга кетаётганимда тобим бўлмай қолди. Бурнимдан кўп қон кетди. Туман шифохонасида 45 кун даволандим, аммо натижа бўлмади. Кун сайин бўшашиб, юришга ҳам ҳолим қолмади. (Ҳатто бош шифокор отамга “Умид йўқ”, деган маънода бош чайқаб ҳам кўйган экан). Бир неча кун ўтгач, бош шифокор ва тўрт-бешта ёш шифокор мени қайта тиббий кўриқдан ўтказди. Эртаси куни эса... “отажон, мен ўлмайман, албатта, тузалиб, шифокор бўламан”, деганим ҳануз эсимда.

Шундай йўл билан ўзимга ишонч уйғотдим ва тахсил олаётган олий таълим даргоҳидан воз кечиб, Тошкент тиббиёт институтига ўқишга кирдим. Тинимсиз ўқиб-изландим, мақсад сари интилдим. Ўқиш, спорт ва талабалар илмий кенгазларида фаол қатнашдим.

Аваллига оддий шифокор, кейинчалик кичик илмий ходим, катта илмий ходим ва ҳозирда тиббиёт фанлари доктори, профессор даражасига эришдим. Интилиш ва ўқишдан ҳозир ҳам бир қадам чекганим йўқ. Уч ўғлим бор. Иккитаси изомдан келяпти: Самандар — микробиолог, Искандар — дермато-венеролог. Келиним Сурайё ҳам тиббиёт ходими. Ўғлим Илхом журналистика факультетида ўқиди.

— Эгамберди ака, ижодкор-олим сифатида тиббиёт йўналишида бир неча нашрнинг тахририят аъзосисиз. Китоб ва қўлланмаларингиз сони салмоқли. Ўзиш сиз учун нима: эҳтиёжми, заруратми ва ё...

— Шифокорнинг бир кунлик маслаҳатига амбулатория шароитида 10-15 нафаргача бемор келади. Уларни тиббий кўриқдан ўтказиб, сўнг даво чораларини белгилайди. Эйтибор беринг, худди шу шифокорни тиббиёт мутахассиси сифатида тайёрлаш учун 10-15 йил кетади. Катта илмий даражадаги шифокорни тайёрлаш учун эса йигирма йил камлик қилади. Мустақиллик шарофати билан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Энди тиббиёт соҳасида кадрларни ўзбек тилида тайёрлаш, бунга ҳал қилиш учун эса, аввало, дарслик, рисола ва ўқув қўлланмаларини ўзбек тилида ёзиш керак эди. Худди шу муаммони ўзимнинг йўналишида ҳал қилиш учун биринчилардан бўлиб киришдим. Дастлаб, лаборатория соҳасида, кейинчалик, дермато-венерология ва микробиология фанларини ўргатувчи ўнга яқин дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрладим. Айни пайтда бўлажак шифокорлар, талаба ва коллеж ўқувчиларини икки-уч йўналишида олишиш ва уларнинг асосида билим олишадилар. Бу мени ўз ишимга анада масъулият билан ёндашишга ундайди.

Сўхбатдош: Исмат ХУДОЁРОВ



оширишга, аввалдан кенг қатламларини юқори технологик тиббий ёрдамдан баҳраманд қилишга, юқори технологияли ихтисослаштирилган тиббий ёрдам соҳасидаги илм-фан ютуқлари ва илгор хорижий тажрибани амалиётга фаол жорий этишга қаратилган бўлиб, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларда муҳим ўрин эгаллади. Натижада тизимнинг моддий-техник базаси ҳар жиҳатдан мустаҳкамланмоқда. Инсон саломатлигини асрашда тиббиёт билан бир қаторда шифокорлар учун зарур шароитлар яратиш, ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш масалалари ҳам эътибордан четда қолмади. Зеро, соғлиқни сақлаш тизимидagi ислохотларнинг нечоғли муваффақиятли амалга оширилиши кадрларнинг билими, малакаси, ақлий салоҳияти, шунингдек, ижтимоий Ҳимояланиши билан бево-сита боғлиқ.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бугун нафақат соғлиқни сақлаш тизими, балки ҳар бир шифокорнинг фаолияти, дунёқарashi ва ҳаётда ҳам туб бурилиш рўй бермоқда, десак муболага бўлмайди. Ўзимнинг фаолиятим мисолида оладиган бўлсак, сўнгги бир ярим йил ичида энг катта орзуларимдан бири ушадли — тиббиётга бағишланган учта рисола ва қўлланма кетма-кет нашрдан чиқди. Эйтибор беринг, авваллари бир китоб ёки қўлланма ёзсангиз, йиллаб муҳокама қилинар, оқибатда қаердадир ёки кимнингдиб столи тортмасида чанг босиб қолдиб кетаверарди. Айни пайтда бу борадаги муҳит ва шароит уч юз олтимиз даражага ўзгарди. Таъбир жоиз бўлса, бу қўлайлик, бу имконият изланувчан соҳа ходими, ўз касбига меҳри балинд, фидойи олим, айниқса, тиббиёт жонқурларининг кўп йиллик орзуси эди.

Профессор-ўқитувчилар маоши ошгани, нафақага чиққан устозларга ҳам иш ҳақи, ҳам пенсия пулининг юз фоиз тўлиниши барчамизнинг ишга ва ижодга бўлган иштиёқимизни янада кучайтирди. Айниқса, чет элларга тажриба алмашиш, ўзга давлатларда малака ошириш юзасидан ўқишга юборилишининг тикланиши, ёш кадрларни

тарбиялаш. Онам асосан уй юмушлари билан банд бўлган. Лекин оиламиз аъзоларига бирон марта ювилмаган ёки ямоҳ солинган кийим кийдирмаган. (Хуллас, ота-онам оддий одам бўлишига қарамай ҳаммамизни ўқитди. Опаларим Маҳбуба билан Ҳалима филолог, укам Самарқанд кооператив институтини тугатган).

Мени узоқ вақтдан бери бир уй қийнаб келарди: нима учун ҳозирги замонда — ҳамма нарса, яъни энг замонавий тиббий жиҳозлар, компьютер технологияси, Интернет тармоғи тараққий этган бир даврда ёшлар яхши ўқимаепти, китобга бўлган қизиқиш анча сўниб қолди? Айтилмай, олис қишлоқларга шахарлардан мутахассисларнинг доимий равишда йўллаб туришининг имкони йўқ экан, демак, кадрларни ўша ердан — маҳаллий ёшлардан тайёрлаш зарур эмасми? Шу ўринда бир аччиқ ҳақиқат мен тахсил олган мактабдан қарийиб 60-70 йил мобайнида атиги битта шифокор ва олим етишиб чиқибди. Бу нимани англадади: ушбу соҳага қизиқишининг йўқлигини ёки қолганлар бошқа касб этигини тугиб кетдимми? Буни билгач, ўзим ўқиган мактабга бир неча бор бориб болаларни ўқишга давъат қилдим. Уларнинг ўзим мансуб бўлган соҳага қизиқишини ошироқчи, дунёқарашини ўзгартироқчи бўлдим. Мактаб, лицей ва коллежларда маърузалар ўқидим. Лекин минг афсуслик, йиллаб муҳокама қилинар, оқибатда қаердадир ёки кимнингдиб столи тортмасида чанг босиб қолдиб кетаверарди. Айни пайтда бу борадаги муҳит ва шароит уч юз олтимиз даражага ўзгарди. Таъбир жоиз бўлса, бу қўлайлик, бу имконият изланувчан соҳа ходими, ўз касбига меҳри балинд, фидойи олим, айниқса, тиббиёт жонқурларининг кўп йиллик орзуси эди.

Бир ҳаётим мисол. Хизмат сафари билан юртимизнинг энг чекка ҳудуди, яъни овул ва қишлоқларда чет эллик мутахассислар билан аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиётган эдик. Борганимиздан бир неча кун ўтгач, таржомон қизимизнинг тоби қочиб қолди. Тилмоҳ керак, лекин нима қилишни билмай бошимиз қотган кунларнинг бирида кўшни қишлоқлик, чамаси 17-18 ёшли бир ўспирин “мен таржомонлик қиламан”, деб қолди. Маълум бўлишича, у хорижий тилини ўзи,

ўсишига, ўқувчилар орасида қишлоқкам алоқа ўрнатилишига, муаммоли вазиятлар ечимига, ўзгаларнинг фикрини тинглай олиш ва ўз фикрини мустақил баён этишни ўргатибгина қолмай, ўзига бўлган ишонч, билимига таяна олиш, қизиқиш доирасининг кенгайиши ва мустақил фикрлашга олиб келади.

Ва ниҳоят, учинчидан, ҳар бир ёш соғлом ва баркамол, онгу тафаккури юкнаб инсонлар бўлиб улғайиши, қизиққан соҳага оид билим ва кўникмаларини бойитиб бориши, энг аввало, унинг ўзига боғлиқлигини унутмаслиги шарт. Ва бунга мисолни юқорида келтириб ўтдим.

Ўзимга келсак, ота-онам тарбияси, устозларим ўғити ва ўзимнинг қизиқишим боис эл-юрт саломатлиги посбони бўлишдек мўътабар касбни эгаллаганимдан доимо фахрланаман. Шифокорлик касбини мукамал эгаллаган киши жамиятда ҳам, ҳаётда ҳам ўз ўрнини топади. Доимо эгни оқ, дастурхони тўкин бўлади.

— Сизни мамлакатимизда лепра касаллиги бўйича ягона мутахассис, деб эшитганмиз. Ёшларимиз бўлганда бу соҳага қай даражада қизиқадимиз?

— Лепра (моҳов) юқумли тери касалликлари ичида энг қадимийси саналади. Бу касаллик фақат одамларда учрайди, яъни ҳайвонлар лепрага чалинмайди. Хасталик ҳаво томчилари орқали юқиши ва унинг яширин даври 4-8 йилдан 20-30 йилгача давом этиши мумкин. Шунинг учун ҳам унга ташхис қўйиш масаласида ҳанузгача муаммолар мавжуд. Унга чалинган беморнинг юз тузилиши жуда хунуқлашиб кетади, қош ва киприклари қолмайди. Лепра касаллиги аниқланганда унга чалинганлар алоҳида жойларда сақланади.

Вақт югуриқ. Ҳаётимнинг 20 йилдан кўпини ушбу касалликни эрта аниқлаш, ташхис қўйиш ва даволашга бағишладим. Ва бу йўналишида катта муваффақиятларга эришдик. Энди беморларни кўркмасдан амбулатор шароитда даволаш мумкин. Эйтибор беринг, салкам 75 йил фаолият кўрсатган Булуғур лепрозорияси энди эҳтиёж йўқлиги туфайли бутунлай ёпилди. Ҳозирда 20-30

тидамиз. Ўтган йили умрим давомиди кўрган-кечирганларимни жамлаб “Улар энди “борса-келмасга” яуборилмайди” деб номланган илмий-оммабоп китоб тайёрладим. Ундан айни пайтда тиббиёт институтлари ўқитувчи ва талабалари қўлланма сифатида фойдаланмоқда. Бу йўналишида шу пайтгача хали бирорта ҳам китоб ёки қўлланма чиқмагани учунми, у тез оммалашиб кетди. Ҳозир қайта нашр этиш режалаштириляпти, рус ва инглиз тилларига таржима қилиш ва чоп этиш борасида ҳам буюртма бор.

— Дерматолог-венеролог мутахассислар ҳам йил сайин камайиб бораётгани ҳақида эшитганмиз. Аксинча косметолог-шифокорлар кўпайиб борапти. Бунинг сабаблари нима қандай изоҳлаган бўлардингиз?

— Йўқ, бу фикрга унчалик қўшила олмайман. Чунки, назаримда, ҳар йили етарли даражада дермато-венерологлар ўқитилмоқда ёки қайта тайёрланмоқда. Ординатура, магистратурада ўқиш учун ёшлар навбат пойлаб турибди. Тўғри, олис туман ёки шахарларда етишмаётган бўлиши мумкин. Лекин бу бошқа ва алоҳида масала. Бунинг сабаблари ҳақида юқорида қисман тўхталиб ўтдим.

Косметолог-шифокорларга келсак, айни пайтда бу фанга, айниқса, аёл шифокорлар орасида қизиқиш юқори. У нисбатан янги фан, келажаги порлоқ дейиш мумкин. Ҳаёт қонунияти шундай: талаб ошгани сайин тақлиф ҳам ошиб бораверади...

— Сиз билан суҳбатга тайёргарлик жараёнида халқаро анжуманларда ўз маърузаларингиз билан тез-тез иштирок этишингиз ҳақида маълумотга эга бўлдим...

— Дарҳақиқат, халқаро анжуманларда фаол қатнашаман. Ва ҳақиқат шуки, агар хорижликларни қизиктирадиган бирон-бир янги маълумот, янгилик ёки тақлиф бўлмаса улар сизни безовта қилиб ўтиришмайди. Шу пайтгача бир неча бор Ҳиндистон, Туркия, Непал, Россия, Қозғистон, Тожикистон ва Туркменистонда бўлиб ўтган халқаро анжуманларда иштирок этдим. Яқин орада Германияга бориш тадоригини кўряпман.

Реклама



QISHLOQQURILISHBANK

AVTOKREDIT



ISTE'MOL KREDITLARI

MIKROQARZ

Tez va qulay!

Ma'lumot uchun:
(+99871) 150-93-39

WWW.QQB.UZ

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОН!

Тошкент шахар Олмасор тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бўлими томонидан 22.03.2018 йилда **№006478-05** рақамли гувоҳнома билан рўйхатга олинган, Тошкент шахар Себзор маъзиси, 52-Б уйда жойлашган "**LORRY SPARE PARTS**" МЧЖ фаолияти муассисларнинг 15.10.2018 йилдаги №3 қарори асосида **туғатилади**. Шикоятлар ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб олти ой давомиди қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон: +99897 444-35-84